

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

27 ноябрь куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фавқуллода ва мухтор элчилар — Греция Республикасидан Параскеви Цевелеки, Индонезия Республикасидан Сити Рухайни Жухаятини, Латвия Республикасидан Гиртс Яунземс, Франция Республикасидан Валид Фук, Россия Федерациясидан Алексей Ерхов, Япониядан Кэндзи Хирата ва Тожикистон Республикасидан Насриддин Исмаиловдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда ўз миссиясини бошлаётган дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини самимий табриклади.

Ҳозирги беқарор даврда, бутун дунёда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар кескинлашиб бораётган бир пайтда дипломатларнинг иши тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Сизлар бир неча ойдан буён юртимизда бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз қандай жадал ўзгаришлар руҳи билан яшаётганига ва жаҳон дипломатия марказларидан бирига айланиб бораётганига шахсан гувоҳ бўласиз, — деди Президентимиз.

Хусусан, жорий йилда Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши йиғилиши, Парламентлараро иттифокнинг 150-йубилей ассамблеяси, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва Халқаро иқлим форуми, ЮНЕСКО Бош конференциясининг тарихий сессияси ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити муваффақиятли ўтказилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси қабул қилинди.

➔ **Давоми 2-бетда**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Европа Иттифоқининг Халқаро шерикликлар бўйича комиссари Йозеф Сикела ҳамда Кенгайиш масалалари бўйича комиссари Марта Кос бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни жорий йил октябрь ойида Брюсселга олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Европа Иттифоқи вакиллари Ўзбекистон Президентига Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг самимий саломларини етказди.

➔ **Давоми 2-бетда**

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Транскаспий транспорт йўлаги бўйича инвесторлар форумида иштирок этиш учун Тошкентга келган Франция Республикаси транспорт вазири Филипп Табарони қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Жорий йил март ойида Парижга амалга оширилган олий даражадаги тарихий ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги стратегик шериклик, аynиқса, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда фуқаролик авиациясида алоқаларни кенгайтириш, транспорт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шу жумладан, яқинда ташкил этилган Ўзбекистон — Франция университети имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

СТАТИСТИКА СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖА ВА ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг ҳисоботи билан танишди.

Жорий йил февраль ойида “Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинган эди. Фармонга кўра, Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги Миллий статистика қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди ҳамда статистика ишлари самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Йиғилишда ўтган даврда амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди. Жумладан, идоралараро маълумот алмашинуви кенгайтирилиб, 60 та интеграция жорий этилгани натижасида ҳисобот юкланмаси 27 фоизга қисқарди.

➔ **Давоми 2-бетда**

Сирожиiddин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Фахр

САМАРҚАНД сабоқлари

Яратгандан буюк тимсол
яна кавну макондадир,
Арзу само баробардир —
тенглик Еру осмондадир.

Ҳар бир инсон янги даври
Замон бўлиб келгай эмиш,
Ризку рўзинг Замин деган
муаззам дастурхондадир.

Ҳар бир одам бир оламу,
бутун олам бир одамий,
Бани башар бир тош янглиг
барча бир палахмондадир.

Хосиятли кунларингдир —
хос ниятли бу кунларинг,
Дуоларинг тилларингда
ҳар саҳари мардондадир.

Мен оламини майдон десам —
олам-олам маъноси бор:
Майдон Ўзбекистонми ё
Ўзбекистон майдондадир.

Бу майдонда турмоқ осон
эмас демиш боболаринг,
Барҳаётдир ҳикматлари
ҳар даври ҳар замондадир.

Шонли тарихлардан сўйлар
гумбазлару миноралар,
Амир Темури бобо руҳи
бошинг узра посбондадир.

Соҳибқирон салтанати, демак,
шунда яралмишдир,
Самарқанддан боқиб турсанг
олам ажиб жавлондадир.

Беход бобо агар бутун
расминг чизмиш бўлгай, бундоқ:
“Қуръон” бўлса бир қўлингда,
бири — қилч, қалқондадир.

Султон Улуғбекдан ёдгор
мадрасалар ҳамон очик,
Чекмиш неки ранжу заҳмат
бўлса илму ирфондадир.

Навоий ва Жомий ҳазрат
бунда зиё таратмишлар,
Гангир-гунгур гурунглари
ҳанузгача айвондадир.

Бу Марказий Осиёдир,
шунда ҳозир Оврупо ҳам,
Овросиё бир-бирига
ҳам мезбон, ҳам меҳмондадир.

Бизга Низомий бобони
тилгиромдан улаб беринг,
Шеърү ғазал ганжи ахир
Ганжа, Озарбайжондадир.

Гўё ҳозир Клавихо
тушиб келмишдай “Боинг” дан,
Янги Самарқандга боқиб,
тили лолу хайрондадир.

Кечган барча ишдан огоҳ
Ибн Арабшоддан сўранг,
“Афросиё” дан тушибоқ
ҳозир Ургут томондадир.

Буюк Ипак йўлидир бу,
не карвонлар келиб кетмиш,
Бутун олам аҳли букун
бир сарой, бир кўргондадир.

Бир темир йўл учун салкам
ўттиз йиллар керак бўлмиш,
Янги замон жиллолари
қадимий Зарафшондадир.

Мағриб билан Машриқ десам,
жону диллар туташ келгай,
Қанча орзу ва ниятлар
Париж, Румо, Лондондадир.

Луврдаги санъатингдан
сўйлар бўлсам хайратларин,
Ажиб завок ҳаяжонлар
фаранглару Макрондадир.

“Еuronews” дастурига
раҳматларин бордир менинг,
Довруғингни билди олам
Испониё ё Олмондадир.

Гётеннинг мен “Шарқу Ғарб
девони” дан қарзларим бор,
Бундай толе на Данте, на
Гейне ва на Байрондадир.

Бир эзгу иш эллар аро
қўп ишларга барҳам бергай,
Бағир очсанг — бағир очгай
Чин-Мочин ё Ёпондадир.

Бу ўлкалар бир мушт бўлиб
тутилгуси беш панжадир,
Бир “Хамса” дир яхлит китоб —
бир жилду беш дostonдадир.

Ўзбек десам, асрларнинг
гулдурси жам бўлгайдир,
Қанча армон — қирғиз, қозоқ,
тожик билан туркмондадир.

Одамзоднинг ҳали жабру
жафолари битган эмас,
Минг бир оху афгон ҳамон
бир жафокеш афгондадир.

XX аср, дейман,
топиб бергил Оролимни,
Дилим гирён, ёкам вайрон,
бағрим қуму тўзондадир.

Нажотга зор бутун сув ҳам,
наботот ҳам, ҳайвонот ҳам,
Бахрун-нажот чинқириги
ҳар нахру ҳар уммондадир.

Эй Самарқанд, оламшумул
кенташларинг изсиз кетмас,
Иншооллоҳ, тинчлик, тенглик
бир кун рўйи жаҳондадир.

Ҳазрат Имом Бухорийдан
“ҳуббул Ватан...” сўйлар бўлсам,
Кўрган халқи олам шоду
кўрмаганлар армондадир.

Баҳри дилим бир қуёшли
мамлакатдай ёришгуси,
Бир ўзбекни кўрсан агар
Варшавми, Вашингтондадир.

Эй матонат дунёсига
фотиҳларни берган диёр,
Мангу сўнмас юлдузларинг
то эзгулик қомрондадир.

Карвон десам, зўр карвонга
Ўзинг карвонбошидирсан,
Даврон десам — давру замон
зўр соҳиби даврондадир.

Яратгандан сўрорим бор:
шу элларни Ўзинг асра,
Дунё тургунча турсин то
давлати ал-омондадир.

СТАТИСТИКА СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖА ВА ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу жумладан, солиқ органларининг онлайн-касса маълумотлари, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва ҳосил тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш йўлга қўйилди.

Йиғилишда ялпи миллий маҳсулотнинг номинал ҳажмини ҳисоблашни яхшилаш бўйича қилинган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Бозор хизматлари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бюджет харажатларини статистика билан янада кенгроқ қамраб олиш натижасида қўшимча 81 триллион сўм қўшилган қиймат инноват олиниб, 2024 йил якунлари бўйича ЯИМ ҳажми 115 миллиард доллардан 121,4 миллиард долларга ошди.

Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт улуши 2017 йилдаги 50 фоиздан 2024 йилда 35 фоизгача камайгани таъкидланди. Яқин истиқболда яна 79 триллион сўмлик норасмий иқтисодиётни статистика билан қамраб олиш, яширин иқтисодиёт улушини 29 фоизгача тушириш имконияти мавжудлиги таъмин қилинди.

Президентимиз глобал бозорда электрон савдо ҳажми жадал ўсаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда бу соҳанинг ўсиш суръатлари 9-11 фоизга етиши кутилмоқда. Шунингдек, ахборот технологиялари ва масофавий хизматлар, фриланс каби

янги соҳалар тез ривожланипти. Миллий статистика тизими олдидан бу соҳаларни ҳам қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар тургани кўрсатиб ўтилди.

Истеъмолат нархлари индексини тузишда маълумотларни қўлда йиғиш амалиётдан воз кечиб, АТ ва сунъий интеллект технологияларига босқичма-босқич ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Миллий статистикани замонавий ва халқаро даражада тан олинган тизимга айлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Халқаро “Deloitte” консалтинг компанияси томонидан 23 та ташаббус ва 70 та лойиҳа ишлаб чиқилгани айтилди. Уларни босқичма-босқич амалга ошириш статистиканинг аниқлиги, теъкорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Бундан ташқари, Жаҳон банки билан биргаликда 2030 йилгача бўлган даврда статистикани ривожлантириш миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Келгуси йил январь ойида бошланган аҳолини рўйхатга олиш ишларига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозиргача 9008 та маҳалла бўйича ташкилий режалар тасдиқланди, рўйхатга олишда иштирок этувчи 60 минг нафардан зиёд “маҳалла еттилиги” вакиллари ва масул ҳодимлари учун махсус ўқув курслари ўтказилди.

Рўйхатга олиш электрон шаклда — махсус портал орқали ўтказилади. Маълумотлар порталга рўйхатга олувчилар томонидан уйма-уй юриб, планшет қурилмалари ёрдамида киритилади. Жараёнлар геоахборот тизими орқали мониторинг қилиб борилади. Бунинг учун рўйхатга олинган хонадонлар ва турар жойларнинг геомагнитлари шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда бу борадаги ишларнинг тайёргарлик ҳолати юзасидан ҳисобот берилди.

Рўйхатга олиш жараёнларини янада такомиллаштириш йўллари, шу жумладан, рақамли платформалардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш, хорижга ишлаш, ўқиш ёки хизмат сафарига кетган фуқароларни рўйхатга олиш, уйма-уй ва онлайн тўпланган маълумотларни интеграция қилиш бўйича аниқ чечимлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз аниқ, теъзор ва ишончли статистика давлат сиёсатини белгилаш, иқтисодий ва иқтимоий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим омил эканини қайд этиб, соҳани стратегия ёндашув асосида трансформация қилишни давом эттириш топширилди.

Мутасаддиларга аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини юқори савияда ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — Европа муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани, икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги кенг қамровли кўн тартиби шаклланиши мамнуният билан қайд этилди.

Бу йил Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШҲБ) имзоланди, Самарқанд ва Брюсселда саммитлар бўлиб

ўтди, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши юзасидан Европа Иттифоқи билан муносабатлар яқунланди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш қарийб 7 фоизга ўсди. КШҲБнинг амалиётга жорий этилиши савдо ҳажми ва инвестициялар оқимининг сезиларли даражада ошишига хизмат қилиши таъкидланди.

Савдони кенгайтириш ва диверсификация қилиш учун ҳамкорликнинг институционал механизмларини янада

такомиллаштириш, саноат кооперацияси, транспорт, рақамлаштириш, муҳим минераллар, энергетика, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор соҳаларда ҳамда янги қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий кўн тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бу йил мамлакатимиз Глобал барқарор ривожланиш мақсадлари индексида 19 поғонага кўтарилди ва охириги 10 йил ичида энг юқори натижаларга эришган бешта давлат қаторига кирди. Кейинги саккиз йилда иқтисодиётимиз икки баравардан кўпроққа ошди. Камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача пасайди.

Оқчилик сиёсати натижасида қарийб 100 та мамлакат учун визасиз режим жорий этилди. Экспорт географияси доимий равишда кенгайиб бормоқда. Бу йил ташқи савдо айланмаси тарихда биринчи марта 66 миллиард доллардан ошди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 39 миллиард долларга етди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни фаол қўллаб-қувватлагани учун элчилар вакилилик қилаётган мамлакатлар ҳукуматларига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Греция Республикаси элчисига мурожаат қилар экан, ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги аънаваний ва истиқболли шерикларидан бири эканини таъкидлади.

Жорий йилда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар муваффақиятли ўтказилди. Апрель ойида Тошкентда Греция элчихонаси ўз фаолиятини бошлади.

Йил бошидан буён Ўзаро савдо ҳажми 5 баравар ошди. Фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Яқин фурсатда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Ўзбекистон — Греция бизнес форумининг самарали бўлишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Индонезия Республикаси билан муносабатлар ҳақида гапирар экан, Президентимиз халқларимизни азалдан тарихий, диний ва маданий алоқалар боғлаб турганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан 60 фоизга ошгани таъкидланди. Кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва туризм соҳаларида қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Декабрь ойида тўғридан тўғри авиарейслар йўлга қўйилди.

Келгуси йили Тошкентда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форуми ҳамда Жакартада сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиш салоққиди натижа беришига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Латвия Республикаси билан муносабатларини муҳокама қилиш

чоғида сиёсий ва иқтисодий алоқалар изчил ривожланаётгани, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашганини таъкидлади.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистоннинг Латвияга экспорти ва қўшма корхоналарнинг сони уч баравар ошди. Мамлакатимизда Латвия Инвестициялар ва тараққиёт агентлигининг ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Яқинда Ригада Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Миграция соҳасида келишув имзоланиши, авиақатновлар кўпайиши ва иқтисодий ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланиш икки мамлакат халқлари янада яқинлашишига хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз Франция Республикаси ҳақида сўз юритар экан, фаол сиёсий мулоқот тўғрисида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади. Ўтган ойда Стратегик режалаштириш гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг март ойида Парижга амалга оширилган олий даражадаги тарихий ташриф давомида 10 миллиард долларлик қўшма лойиҳалар бўйича келишиб олинди. Йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард доллардан ошди.

Франция тараққиёт агентлиги билан 2030 йилгача ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Ўзбекистон — Франция қўшма университети очилди.

Бу йил Парижда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари ва туризм салоҳияти кўргазмаси халқларимиз ўртасидаги муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Келгуси йилда Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашининг биринчи йиғилиши ва Ҳудудлараро форумни ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Россия Федерацияси — Ўзбекистоннинг узоқ йиллик стратегик ҳамкори ва иттифокчиси.

Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 12 миллиард долларга яқинлашди. Мамлакатимизда Россия сармояси иштирокида 3 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Йил бошидан буён 4 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Россиянинг 15 та олий таълим муассасасининг филиаллари самарали фаолият юритмоқда.

Жорий йил Парламентлараро комиссия йиғилиши, “ИННОПРОМ” халқаро саноат кўргазмаси, Ҳудудлар раҳбарлари кенгаши, сиёсий маслаҳатлашувлар, Ректорлар форуми, Россия маданияти кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Муносабат

УРГУТГА ТЕМИР ЙЎЛ БИЛАН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР КЕЛДИ

Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи ҳудудни яқин истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш нуктаи назаридан жуда самарали бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб ўтиш билан бирга самарандликлар олдига жадал тараққиётга эришиш борасида янги вазифаларни ҳам қўйди.

Ташрифда иқтисодий аҳамияти жиҳатидан жуда катта, таъбир жоиз бўлса, тарихий воқеали ҳам кузатилади, бу Ургут томон ётқизилган темир йўл ишга туширилиши билан боғлиқ. Ҳа, бундан бир неча йиллар аввал ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган республикада аҳолиси энг катта туманга темир йўл бориши орзу эди, бутун эса бу реал ҳақиқатга айланди.

Мазкур лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарнинг экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш имкониятини кенгайтириш, умуман, тоғли туманда саноатни янада ривожлантириш ва аҳолига қўлайлик яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Ургутта темир йўл келади деб ўйлаб ҳам кўрмаган эдик. Тўғриси янни айтам, бундай бунёдкорлик тушми-мизга ҳам кирмаганди. Шунинг учун айни кунларда ургутликларнинг қувончи, ҳис-ҳаяжони чексиз. Яна бир қувончли хабар эса 2025 йил қадимий Ургут учун тарихий давр бўлишиндан дарак берди. Яъни туманда ҳатто аэропорт қуриш масаласи ҳам кўтарилди-да.

Мамлакатимизнинг қўлай географик жойлашуви ва саноатнинг барқарор ривожланиши темир йўл транспорти аҳамиятини янада оширмоқда. Ҳақиқат равишда айтиш керакки, сўнгги йилларда Ўзбекистон темир йўллари улкан ўзгаришларга қўзғалди ва қатор ютуқларни қўлга киритди.

Темир йўл катта тармоқ, уни трансформация қилиш ҳам, табиийки, кўп вақт ва маблағ талаб этадиган жараён. Бугун анча йиллар трансформациядан четта қолган соҳа янги босқичга чиқмоқда.

Транспорт қўлайлигини мамлакат ривожини кўрсатувчи ва бунга таъминловчи омиллардан бири. Юртимизда соҳа инфраузилмаси янгиланиб, шариолат кенгайтирилётгани ўз натижасини бермоқда. Амалга оширилаётган лойиҳалар шуначи транспорт инфраузилмасини ривожлантириш эмас, балки ҳудудларнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган кенг қамровли сиёсатнинг бири қисми.

Яна бир муҳим жиҳат, юк ташин логистикаси билан боғлиқ. Дунё таърибасида темир йўлда маҳсулот ташин билан боғлиқ харажатлар жуда арзон ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишини самарали ўтказиш, ҳудудлараро мулоқотни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Япония билан стратегик шерикликни кенгайтириш — ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири.

Ўзбекистонда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ва Нагоя университетининг ваколатхоналари самарали фаолият юритмоқда.

Телекоммуникация, энергетика, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, таълим ва туризм соҳаларида 8 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Стратегик мулоқотнинг биринчи йиғилиши август ойида, ўтган ой эса Самарқандда Ректорлар форуми бўлиб ўтди. Осакада “Евро — 2025” кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Миллий кўн муваффақиятли ташкил этилди.

Кейинги ой Токиода бўлиб ўтаётган олий даражадаги музокара ва ишбилармон доираларнинг мулоқотлари икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бағишлашга ишонч билдирилди.

Умумий сиёсий ирода тўғрисида сўнгги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Чегара масалалари тўғрисида солинди ва транспорт алоқалари тикланди. Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорлик кучайди.

Ўзаро савдо 5 баробардан зиғдга ошиб, 1 миллиард долларга яқинлашди. “Ойбек — Фотехобод” эркин чегараолди савдо зонаси ва “Андархон” савдо-логистика марказининг ташкил этилиши товар айирбошлашни каррасига оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Саноат, транспорт, геология, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳият борлиги қайд этилди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларга шарафли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади, ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қарқирди, ҳудудлар ва хусусий сектор вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, хорижий дипломатлар самимий қабул ва яратилган шариолатлар учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорлиқни фаол ривожлантириш учун профессионал таърибаси ва билимларини тўлиқ сафарбар этишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКНИНГ ЖАВОҲИРИ ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Шахмат бўйича жаҳон кубогини қўлга киритиб, дунё аҳлига янги Ўзбекистон ёшларининг тафаккури нечоғлиқ юксаклигини кўрсатган шахматчимиз Жавоҳир Синдоров кўни кеча тантанали кутиб олинди.



Ифтихор

Давлатимиз раҳбари бошчилигида шу ҳафта Олимпия шаҳарчасида бошланган тантанавор спорт байрами тарихий ғалабаларга уланиб, катта шодиёнага айланди. Президент Олимпиядаси спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросими вақтида Ўзбек грессмейстери Жавоҳир Синдоров шахмат бўйича жаҳон кубогини соҳиб бўлгани тўғрисидаги хушхабар миллионлаб кўнгилларга гурур, ўзгача шукўқ олиб кирди.

Байрам шодиёнлари Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида давом этди. У ерда ФИДЕ жаҳон кубогига зафар қучган спортчимизни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Ҳукумат аъзолари, спорт мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, шахмат ишқибозлари иштирокидаги тадбирда Президентимизнинг “Синдор Жавоҳир Санжарбековичга” Ўзбекистон Республикасида хизмат

кўрсатган спортчи” фахрий унвонини бериш тўғрисидаги фармонини Бош вазир Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Тадбир иштирокчилари Жавоҳир Синдоров ва спортчининг яқинлари, бутун халқимизни тарихий ғалаба билан муборакбод этди. Шу ва бошқа ғалабалар ўз-ўзидан бўлмаётгани, аввало, шахмат ўзбек халқи учун оддий ўйин эмас, тарихий қадриятлардан бири экани қайд этилди.

Соҳибқирон Амир Темуру ҳам жанг пайтида шатранж ўйнаб, ҳарбий тактикаларни белгилагани ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар келтирилган. Ундан ҳам олис тарихга назар ташласак, Сурхондарё вилоятидаги Айтритом археологик маъзилдан I-III асрларга оид фил сугилдан ясалган шахмат доналари топилган. Бугун ҳам шахмат ўзбек оила-ларининг сеvimли спорт турларидан.


Жавоҳир Синдоровга шу йил 25-30 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доҳда

бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати ҳамда 2026 йили Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган 46-бутунжаҳон шахмат олимпиядасида Ўзбекистон шафарфини муносиб ҳимоя қилишига ишонч билдирилди.

66

Кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида спортчимизга Президентимиз совғаси — 3 хонали хонадон қалити ва пул мукофоти, шахматчининг мураббийи Роман Видонякка пул мукофоти тантанали топширилди.

— Янги Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Халқаро даражада спортчи бўлиб етишшимга шароит яратиб бергани учун давлатимиздан чексиз миннатдорман. Албатта, 27 кун мобайнида Хиндистонда кечган мусобақада қатнашимни осон бўлмади. Кейинги турларда ҳам муваффақият қозониб, юртдошларимиз, Президентимиз ишончини оқлайман, шахмат тожиги Ўзбекистонга олиб келаман.



Санжар ЭШМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Мавлон БОБОХОНОВ, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КИМЛАР УЧУН ҲАВАС БИЗНИНГ ШАВКАТИМИЗ, ШОНИМИЗ ЁХУД МИЛЛИЙ СПОРТ СИЁСАТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бунёд этилган
Олимпиада шаҳарчаси
оддий спорт
иншооти эмас, балки
янги Ўзбекистон
спорт сиёсатининг
истиқболини
белгилайдиган
тарихий лойиҳадир.

I

Соҳада янги фаолият бошлаган давримда таҳририят томонидан пойтахт маҳаллаларининг бирида фойдаланишга топширилган кичик стадион — болалар спорт майдончасидан репортаж тайёрлаш ҳақида топшириқ олдим. Мустиқиллиқнинг дастлабки йиллари, республика энди-энди оёққа туриб, ўзини ўнглаб олиш ҳаракатига зўр берган вақтлар. Маҳалла миқёсида стадион қурилгани маҳаллий оламу учун ҳам, биз, журналистлар учун ҳам аҳамият-шумул воқеа сифатида қабул қилинарди.

Ўшнинг, менга интервью берган мута-садилар ҳам, ўша майдончада тўп тепаёт-ган мурғак қалбли болажонлар ҳам кўзлари қувончдан, ҳайратдан ёниб, қониқиш билан тўлиб-тошиб сўзлаган эди. Қолаверса, ўзим ҳам бу ҳақида тўққизиланиб ёганман. Вазият шунча бўлган.

Ёш мустиқил давлат учун спорт тизими-даги бу каби қурилиш, кичик бунёдкорлик ишлари қувончли воқеа сифатида талқин қилиниши табиий ҳол. Кейин ривожланиш, та-раққиёт, саяё-ҳаракатлар давом этди. Секун-секин ёзилмак мавзулар маҳалладан туман, шаҳар, республика миқёсидаги қурилиш, тикланиш, муваффақият, ғалаба ва бунёдкор-ликларга кўчди.

Янги Ўзбекистондаги ривожланиш даври, тизимли ислохотлар ортидан эса юртимиз-нинг имкониятлари йирик ва муҳим халқаро миқёсдаги даввогар бўлиб турибди. Энди бизга ички имконият ва салоҳиятимизни ишга солиб, дунё ареналарида бўй кўрсатиш, миллий руҳни намойиш қилиш ярашади. Бу шонли, шуҳратли ва шавкатли йўлга чиқиб олганимиз натижасида бизга бегарас ҳавас қилувчилар кўпайди. Дунёдаги энг нуфузли ва етакчи наирлар саҳифаларида ўзбек спор-тининг ютуқ ва натижалари омиллари таҳ-лилга бағишланган мақолалар тез-тез чоп этила бошлади. Айни мавзу олий спорт до-рларининг муҳофиза марказидан жой олиши оддий ҳолга айланди.

Бониси, сўнгги йилларда юртимизда спорт соҳасида ҳам улкан ислохотлар авж паллага кирди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва давлат дастуруларида белгиланган аниқ мақсадли йўналишлар орқали спорт нафа-қат соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, балки мамлакатимиз нуфузини халқаро май-донда юксалтиришни муҳим воситасига айланди.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар, ай-ниқса, ёшлар тарбияси, уларнинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлашда улкан аҳамият касб этмоқда. Ислохотлар жараёни-да асосий эътибор “Соғлом авлод — соғлом келажак” тамойилига қаратилган. Зеро, куч-ли давлат қуришнинг, жамиятда маънавий ва интеллектуал юксалишга эришишнинг пой-девори соғлом ва баркамол авлоддир.

Айни бонс, юртимизда спорт инфра-тузилмасини ривожлантириш, замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, оммавий спортни кенг тарғиб қилишга катта эъти-бор берилмоқда. Сўнгги йилларда соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор дастур-лар қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спортга қизиқишини оширди.

Натижалар эса бирма-бир бўй кўрсатиб бормоқда. Ўтган йили Париждаги Олимпиа-ва Паралимпия ўйинларида мард ва баҳодир спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсати-ди. Ана шундай зафарли юришнинг давоми сифатида жорий йилда ёшларимиз жаҳон универсиадада 13-ўринни, Бахрайнда ўт-казилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабис-тонидagi Ислон бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллади. Айниқса, ўғил-қизларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпиада ўйинла-рида 50 дан ортқ рекорд натижага эришгани юртимизнинг халқаро Олимпиада ҳаракати-даги ўрни ва нуфузини аяқол кўрсатиб ту-рибди. Бундай ютуқларни қўлга киритишда спортчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, тайёргарлигини халқаро мезонлар асосида ташкил этишнинг аҳамияти янада ошади.

II

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари та-шаббуси билан 2022 йил 9 ноябрь кунини тарихимизда илк бор Олимпиада шаҳарчаси қурилишига киришилди. Бу мажмуа нафа-қат замонавий спорт инфраузилмаси, балки миллий спорт сиёсатида янги босқичнинг рамзига айланди.

Ушбу шаҳарча, Президентимиз таъби-ри билан айтганда, халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спорти-нинг оламшумул ютуқлари тимсоли вақт бўлиб қолши лозим эди. Орадан қисқа вақт ўтди, бу орзу амалий ҳаётга кўчди. Бугун Олимпиада шаҳарчаси нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ва замонавий спорт маскани сифатида юз гектардан ортқ майдонда барпо этилди. Уч йил давомида рўёбга чиқарилган лойиҳа қиймати қарийб 290 миллион долларни та-шкил қилди. Нобё лойиҳа Хитойнинг “САНС Engineering” компанияси томонидан халқаро стандартлар асосида амалга оширилди.

Шаҳарча 5 та асосий спорт мажмуасини ўз ичига олган: велодром, стадион, сув спорти саройи, жамоавий ва яққакурш спорт турла-ри мажмуалари. У нафақат спортчилар, балки

узоқни кўзлаган, стратегик аҳамиятга эга лойиҳа. Ҳар бир спорт иншооти нафақат юқори даражадаги мусобақаларни қабул қи-лиш, балки ёшлар спортини ривожлантириш, спорт илми ва тиббиётини кучайтириш, шу билан бирга, мамлакат нуфузини халқаро майдонда юксалтиришга хизмат қилади.

Олимпиада шаҳарчаси фақат спорт иншоот-лари эмас, балки спорт фанлари маркази си-фатида ҳам ташкил этилган. Бу ерда Спорт вазирилик, Антидопинг агентлиги, Давлат спорт академияси, Жисмоний тарбия ил-мий-тадқиқот институти, Спорт турларини ривожлантириш маркази жойлаштирилган. Шу тарика спорт илми, тиббиёти ва амалиёти уйғуниланган ҳолда иш олиб борилади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 18 август кунини Тошкент шаҳарида қуриб битказилган Олимпиада шаҳарчаси, Юқори Чирчиқ тумани-даги Миллий футбол маркази фаолияти ҳам-да янги туризм инфраузилмаси объектлари билан танишган эди.

Олимпиада шаҳарчаси қурилишига та-мал тоши қўйилган 2022 йил 9 ноябрь кунини Президентимиз иншоот меъморий жиҳатдан мукаммал, энергия тежамкор ва энг илгор инновацион ечимларни муважас қилган за-монавий мажмуа бўлишини таъкидлаганди:



томошабинлар, мураббийлар, турли спорт федерациялари ҳамда илмий-тадқиқот му-сасалари учун ҳам қўлайлик яратиб, спорт со-ҳасининг барча тармоқларини бир-бири билан узвий боғлайдиган улкан марказга айланди. Бешта асосий спорт мажмуасидан ташқари ҳудудда футбол, теннис, хоккей каби спорт турлари учун очик майдонлар, паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти маркази ва илмий-тадқиқот муассасалари жойлашгани унинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Янги, муҳташам спорт мажмуасининг қуриб битказилиши фақат халқимизнинг эмас, жаҳон спорт ҳамжамиятининг ҳам оламшумул ютуғи бўлди, — дейди Миллий олимпиада қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов. — Зеро, спорт дунёда дўстлик, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик, тинчлик ва ривожланишни тарғиб этишда муҳим восита ҳамдир. Президентимиз ушбу лойиҳани яратиш гоёси тугилган илк кунлардаёқ яна бир масалага эътибор қаратди. Яъни бундай улкан иншоотлар фақат спорт мусобақалари ўтадиган жой бўлибгина қолмаслиги, мамлакатнинг спорт салоҳиятини юксалтириш, ёшлар, спортчилар, жумладан, халқимиз спорт билан шугулланишида унинг базасидан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибига кўтарилди. Ушбу мажмуани лойи-ҳалаштириш босқичидан токи қурилишгача ана шу масалалар ҳам эътиборда бўлди.

Қисқа муддат ичида қуриб битказилган шаҳарча юртимиз спорт сиёсатида янги бос-қични бошлаб берди. У спорт сиёсатидаги

— Аввало, спортчиларимиз ва федера-цияларини мана шундай маскан билан фе-дерациялари учун ҳам қўлайлик яратиб, спорт со-ҳасининг барча тармоқларини бир-бири билан узвий боғлайдиган улкан марказга айланди. Бешта асосий спорт мажмуасидан ташқари ҳудудда футбол, теннис, хоккей каби спорт турлари учун очик майдонлар, паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти маркази ва илмий-тадқиқот муассасалари жойлашгани унинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Янги, муҳташам спорт мажмуасининг қуриб битказилиши фақат халқимизнинг эмас, жаҳон спорт ҳамжамиятининг ҳам оламшумул ютуғи бўлди, — дейди Миллий олимпиада қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов. — Зеро, спорт дунёда дўстлик, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик, тинчлик ва ривожланишни тарғиб этишда муҳим восита ҳамдир. Президентимиз ушбу лойиҳани яратиш гоёси тугилган илк кунлардаёқ яна бир масалага эътибор қаратди. Яъни бундай улкан иншоотлар фақат спорт мусобақалари ўтадиган жой бўлибгина қолмаслиги, мамлакатнинг спорт салоҳиятини юксалтириш, ёшлар, спортчилар, жумладан, халқимиз спорт билан шугулланишида унинг базасидан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибига кўтарилди. Ушбу мажмуани лойи-ҳалаштириш босқичидан токи қурилишгача ана шу масалалар ҳам эътиборда бўлди.

Қисқа муддат ичида қуриб битказилган шаҳарча юртимиз спорт сиёсатида янги бос-қични бошлаб берди. У спорт сиёсатидаги

III

Яна бир жиҳат: Президентимизнинг шу йил 8 июлдаги қарори билан Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпиада ва Па-ралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қа-бул қилинди. Ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпиада қўмитасининг 14 та ҳудудий бўлими ташкил этилди. Қо-рақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоким-лари Олимпиада ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг махсус вакили этиб белгиланди. Ҳар бир ҳудудга Спорт вазирилик ва Олимпиада қўмитасидан масъуллар бириктирилди.

Асосий мақсад юқори спорт натижалари-га эришиш учун доимий ва мустаҳкам замин яратишдир. Шунингдек, иқтидорли спортчи-ларни энг қуий бўғиндан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч бос-қичли “Янги Ўзбекистон Олимпиада чўққила-ри” мусобақаси йўлга қўйилди. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпиада шаҳарчасида Президент Олимпиадаси сифатида ўтказила-ди. Ғолиб ва совриндор спортчилар Олимпиада марказларига жалб этилиб, профессионал тайёргарлик босқичига киришади.

Давлатимиз раҳбари 26 ноябрь кунини Олимпиада шаҳарчасидаги стадионда Президент Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Бугун янги Ўзбекистон тимсоли бўл-ган мана шу музаам Олимпиада шаҳарчасида сизлар билан бирга Президент Олимпиадаси ўйинларига старт бермоқдамиз. Мамлака-тимизда биринчи марта ўтказилаётган, бу-тун юртимиз ёшларини олимпиада ҳаракати-нинг эъзу гоёлари асосида билаштираётган ушбу спорт байрами барчамизга муборак бўлсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Ўйинлар низомига мувофиқ, Олимпиада шаҳарчасида бокс, эркин ва аёллар кураши, Чирчиқ олимпиада ва паралимпия спорт тур-лари марказида оғир атлетика, гимнастикага ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар олимпиада заҳиралари мактабида ба-дий гимнастика мусобақаларининг дастла-бк беллашувлари бўлиб ўтди.

26 ноябрдан июн-рум кураши ва енгил атлетика мусобақалари старт олган бўлса, 30 ноябрдан баскетбол ўйинлари, 2 декабрдан стол тенниси мусобақаларига киришилади.



10 та олимпиада спорт турида ўтаётган ва 5 де-кабрга қадар давом этадиган баҳсларда 15-17 ёшдаги ёш ва умидли спортчилар иштирок этмоқда.

Мусобақанинг туман ва вилоят босқич-ларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрақлари, хусусий спорт клублари ва

IV

Давлатимиз раҳбари Президент Олимпиа-даси мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида нутқ сўзлаётган паллада дунё узра бир хушхабар тарқалди: “Ўзбек ўғлони Жавоҳир Синдоров шахмат бўйича жаҳон кубоғи ғолиби!”. Президентимиз маросим-да нутқини тўхтатиб, қувончли янгилик — юртдошимизнинг ғалабасини эълон қилди ва чемпионни кутлади. Йиғилганлар ҳам Жаво-ҳирни олқишлади.

— Ушбу буюк ғалаба билан чин дилдан табриқлайман. Сен ўзбек ўғлони, янги Ўзбе-кистон фарзанди нималарга қодир эканини дунёга кўрсатди олдин. Сендек фарзандим борлиги билан фахрландим, халқимиз фахр-ланди. Илоҳим, ғолиблик йўли бардавом бўл-син, — деди давлатимиз раҳбари маросимдан сўнг телефон орқали чемпионни табриқлаб.

V

Жавоҳир Синдоров шу пайтгача ФИДЕ жаҳон кубогини ютган энг ёш (19 ёш) чем-пион бўлиб тарихга кирди! Ҳиндистоннинг Гоа шаҳри мезбонлик қилган ФИДЕ жаҳон кубоғи — 2025 ғолиблиги Жавоҳирга келаси йили март ойида Кипрда ўтказиладиган ном-зодлар турнирида иштирок этиш учун рас-мий йўланмани ҳам тақдим қилди.

Жорий йил 2 октябрь кунини ФИФА кен-гашини йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида 2027 йилги жаҳон чем-пионати Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўт-казиш қарори қабул қилинди. Унинг доира-сидаги ўйинлар икки мамлакатдаги 3 тадан стадионда ўтказилади. Финал ва ярим финал ўйинлари сизими 50 мингдан кўп бўлган стадионда ўтказилиши ФИФА талабларидан бири ҳисобланади.

Шу бонс, мамлакатимиз футболни учун му-ҳим яна бир йирик лойиҳа — Янги Тошкент стадиони қурилишига старт берилди. Прези-дентимиз 11 ноябрь кунини замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйди. Янги Тошкент ҳудудидаги барча лойиҳалар замона-вий меъморлик ва миллий қадриятлар уйғуни-лганда экологик ва “ақли бошқарув”га асосла-ниб барпо этилмоқда. Шу умумий концепция асосида қуриладиган янги стадион ҳам табиат билан уйғун бўлади ҳамда “яшил энергия” ва “қулай муҳит” тамойилига асосланади.

Янги Тошкент стадиони ФИФанинг бар-ча талабларига мос равишда барпо этила-ди ҳамда Осиёдаги энг йирик ва замонавий инфраузилмага эга футбол майдонларидан бири бўлади. Бу иншоот эртага нафақат 2027 йилги 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати, балки бутун ўзбек футбол ва ёшлар спортининг келгиси ривожини учун ҳам хизмат қилади.

Элик беш минг ўринли янги стадион миллий жамоамиздан ташқари профессионал клубларимиз учун ҳам катта имконият ярат-ади. Энди нуфузли халқаро мусобақаларни юр-тимизда ўтказиш, дунё футбол элитаси билан ҳамкорлик қилиш имкони пайдо бўлмоқда. Бу орқали мамлакатимизда спорт туризми, замо-навий тадбирлар маданияти ҳам ривожланади.

Қувончли, спорт соҳасига қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида маъмур ва яна бошқа йирик спорт иншоотларини барпо қи-лишга вазият етилди. Зеро, спортчиларимиз эришаётган, қўлга киритаётган улкан ютуқ-ларга, юртимизнинг қўлпа нуфузли тадбир-ларга, жумладан, жаҳон миқёсидаги халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилаётгани бунга изн беради.

Футбол бўйича олимпиада жамоамиз Париж — 2024 Олимпиадасида биринчи марта иштирок этди. Тарихимизда илк бор миллий терма жамоамиз келгуси йилда ўтадиган жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритди. Ўзбекистон ўсмирлари (U17) терма жамоаси мураккаб, машаққатли ва матонатли йўлни босиб ўтиб, ўз тарихида учинчи марта Осиё чемпионати финалига чиқди ва қаҳармонларга ғалаба қозонди. Улар Қатарда ўтган жаҳон биринчилигида ҳам Осиё чемпиони сифатида мамлакат ша-рафини муносиб ҳимоя қилди, номдор жа-моалардан нафақат қолишмаслигини, балки устун ҳам эканини исботлади.

Мақола аввалида битта маҳалла учун тик-ланган стадион ортидан болажонлар қувончи, ҳайратини, қониқишини ҳақида сўз очган эдик. Бу-гун ана шу ҳолатни ҳар биримизда кузатиш мумкин. Зеро, барча саяё-ҳаракат — ушбу бунёдкорлик, ислохот, иқкинчис — спорт му-собақасидаги ғалаба! Ана шу иккинчи сабаб худди биринчиси каби бизни дунё ҳаяжонга солади, қалбимизда ифтихор туйғусини куч-айтиради.

Мақола аввалида битта маҳалла учун тик-ланган стадион ортидан болажонлар қувончи, ҳайратини, қониқишини ҳақида сўз очган эдик. Бу-гун ана шу ҳолатни ҳар биримизда кузатиш мумкин. Зеро, барча саяё-ҳаракат — ушбу бунёдкорлик, ислохот, иқкинчис — спорт му-собақасидаги ғалаба! Ана шу иккинчи сабаб худди биринчиси каби бизни дунё ҳаяжонга солади, қалбимизда ифтихор туйғусини куч-айтиради.

VI

Дунёда бир мамлакат байроғи бошқа дав-лат ҳудудида кўтарилиб, мадҳияси янграши учун иккита сабаб бор: биринчиси — олий даражадаги ташриф, иккинчиси — спорт му-собақасидаги ғалаба! Ана шу иккинчи сабаб худди биринчиси каби бизни дунё ҳаяжонга солади, қалбимизда ифтихор туйғусини куч-айтиради.

Мақола аввалида битта маҳалла учун тик-ланган стадион ортидан болажонлар қувончи, ҳайратини, қониқишини ҳақида сўз очган эдик. Бу-гун ана шу ҳолатни ҳар биримизда кузатиш мумкин. Зеро, барча саяё-ҳаракат — ушбу бунёдкорлик, ислохот, иқкинчис — спорт му-собақасидаги ғалаба! Ана шу иккинчи сабаб худди биринчиси каби бизни дунё ҳаяжонга солади, қалбимизда ифтихор туйғусини куч-айтиради.

Бугун барқарор тараққиёт, “яшил” энергетика ва стратегик хомашё турларига жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши ортиб бораётган бир пайтда геология-қидирув ишларининг аҳамияти миллий иқтисодиёт доирасидан чиқиб, халқаро драйвер соҳага айланмоқда.

Сўнгги йилларда юртимиз ҳар томонлама ўсиб, ривожланмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар мамлакатимиздаги одилона сиёсат натижасидир. Бугун геология соҳаси ривожининг ҳам ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Геология корхоналарини илгор халқаро тақриба асосида трансформация қилиш орқали уларда самарали бошқарув тизимини жорий этиш, фойдали қазилмаларнинг янги конларини очишга йўналтирилган ишлар таннархини пайсйтириш, конларни ўзлаштириш учун тўғридан тўғри хорижий инвестиция оқимини кўпайтириш мақсадида 2021 йилда “Марказий лаборатория” ва “Геобуртехника” ДУКлари, “Самарқандгеология”, “Сурхонгеология”, “Тошкентгеология”, “Қизилқумгеология” ва “Хитсонгеология” АЖларни қўшиб юбориш орқали улар негизда “Ўзбек геология қидирув” АЖ ташкил этилган эди. Натижада Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув ишларига хизмат кўрсатувчи замонавий корпоратив бошқарув тизимига эга ягона ташкилот пайдо бўлди. Бу трансформация жараёни нафақат бошқарувда, балки геология-қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини оширишда ҳам туб бурилиш ясади. Ўтган давр мобайнида корхона соҳага замонавий ва юқори самарали усуналарни, илгор техника ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда соҳани модернизациялаш ҳисобига геология-қидирув ишларини уч баробар оширди. Бугунги кунда АЖда 4,5 мингдан зиёд малакали мутахассис фаолият юритади. АЖ таркибиди 4 та марказий геология-қидирув экспедицияси ва Регионал марказий геология тасвирлаш экспедицияси, Марказий геология-геофизика экспедицияси, шунингдек, 5 та таҳлил лабораторияси, 13 та дала экспедицияси мавжуд бўлиб, улар геология-қидирув ишларини жадал амалга оширмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи, саноатнинг қон томири бўлган геология соҳасида янги давр бошланди. Соҳага энг илгор технологиялар олиб кирилди. Натижада ер ости бойликлари захираси ва прогнозлари каррасига ўсди. Соҳага 3Д сейсморазведка, аэрогеофизика, рақамли геология жорий этилди.

Геология-қидирув кўзга кўринмас, аммо машаққатли меҳнат. Геологларнинг ҳар бир топилмаси янги завод, янги иш ўрнидир. Ўзбекистонда, айниқса, саноат учун муҳим бўлган вольфрам, молибден, магний, литий, германий, графит ва титан каби 30 дан ортиқ геологик минерал мавжуд. Бу каби фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ўзлаштириш кончиллик, металлургия, энергетика, кимё ва қурилиш саноатининг барқарор ишлаши учун пойдевор бўлади. Афсуски, илгари бу салохият тўлиқ рўёбга чиқарилмаган, фойдали



қазилмаларни излаш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва маҳсулотга айлантириш борасида етарлича инвестиция жалб этилмаган эди. Геология соҳаси янги босқичга олиб чиқиши натижада бугун янги конлар очилиб, саноат тармоқлари кенгаймоқда.

“Ўзбек геология қидирув” АЖ ўтган тўрт йил мобайнида 13 минг квадрат километрдан зиёд ҳудудда геология-қидирув ишларини олиб борди. Бунинг натижасида 20 га яқин кон захиралари ҳисоблаб чиқилди ва давлат захиралари комиссиясида тасдиқланди. Хусусан, Авлиё, Кўрмитин, Акба, Ҳаётбоши, Зимбилтов, Водий (олтин), Мискон (мис), Ўрикли, Нило (кўмир), Сарикўл, Хўжидик (вольфрам), Хондиза, Майдонсой, Лашке-рек (полиметалл), Кўргонтош, Тубегатан (калий), Шўрроп (гипс), Вандон (қум-шағал) каби конлар шулар жумласидандир. Бу каби фойдали қазилмалар “яшил” энергетика, электромобиль ва юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда юқори қўшилган қий-матга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган йирик лойиҳалар бўйича ишлар кўпаймоқда. Энг муҳим вазифалардан бири замонавий технологиялар асосида қиммат-баҳо хомашёни рудадан ажратиб олиш, уни тозалаш ва юқори сифатли маҳсулотга айлантиришдир. Бу борада “Ўзбек геология қидирув” АЖ муҳим роль ўйнамоқда. Жамият фойдали қазилмаларни аниқлаш, улар-ни саноатга йўналтириш бўйича салмоқли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Геологик изланишлар ўрта ва узоқ муددатли дастур-лар асосида юритилади ҳамда ҳар йили ян-гиланиб борилади. Бугунги кунда энг фаол геология-қидирув ишлари Навоний, Самар-қанд, Тошкент ва бошқа вилоятларнинг тоғ ва тоғоли ҳудудларида кенг кўламда давом этмоқда. Фойдали қазилмалар захираларини ошириш акциядорлик жамият олдиди турган асосий вазифалардан.

Соҳага илгор усуналар, инновацион те-хнологиялар жорий этилди. Бу эса, ўз навба-тида, иш сифати ва суръатини сезиларли дара-жада оширди. Бугунги кунда “Ўзбек геология

қидирув” АЖ чуқурлиги 2 километргача бўл-ган, фойдали қазилмалар учун мўлжалланган кўп йўналишли бургилаш ускуналарининг энг йирик паркига эга. АЖ “DBC Makina” компаниясининг жаҳон стандартларига мос замонавий гидравликаштирилган “ESD-9”, “S-15 21” ва “SONMAK” компаниясининг “RX-4” маркали эликдан ортиқ бургилаш ускунасини сотиб олди ва иш жараёнига татбиқ қилди. Бунинг натижасида бургилаш парк 56 фойз янгиланиб, бургилаш ускуна-



лари 151 тага етди, ёрдамчи махсус техника воситалари сони 400 дан ошди.

Ҳозир илгари ўрганилмаган майдонлар тўлиқ қамраб олинмоқда. Йил сайин фой-дали қазилмалар рўйхати кенгаймоқда, за-монавий, жумладан, аэрогеофизика усули кўлланилмоқда. Бу усул ҳаводан туриб, ер қатламнинг геофизик хусусиятларини тез ва аниқ ўрганиш имконини беради. Илгари конларни аниқлаш учун ўн йиллар керак эди, ҳозир эса бу иш бир неча йил ичида ба-жарилмоқда.

2025 йилда “Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан 100 дан ортиқ лойиҳа доирасида геология-қидирув ишлари режалаштирилган. Ҳозир минерал хомашё базасини ривожлан-тириш ва қайта тиклаш давлат дастури дои-расида олтин, қумуш, мис, қўроғошн, рух, вольфрам каби рудали фойдали қазилмалар ҳамда қурилиш материаллари ва кимё са-ноатида қўлланадиган ресурслар бўйича ҳам ишлар бажарилмоқда. Акциядорлик жамияти геологик бургилаш қудуқларида қўллани-ладиган ювувчи суюқликларни тайёрлашда замонавий кимёвий реагентлардан фойдалан-моқда. Бу эса, ўз навбатида, бургилаш қувур-лари, насос механизмлари, олмосли асбоблар узоқ муддат хизмат қилишига ва керн наму-наларини сифатли олишга хизмат қилмоқда. Замонавий кимёвий реагентлар иш унумдор-лигини ошириш билан бирга атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтиради.

Бугун акциядорлик жамияти томонидан замонавий бургилаш ускуналари орқали оли-наётган керн намуналари 100 фойзга етиб, таҳлиллар аниқлигини оширмоқда. Шунинг-дек, жамият таркибидидаги лабораторияларда намуналарни сифатли таҳлил қилиш ва унинг таркибидидаги элементларни аниқ кўрсатиб бериш учун 150 дан зиёд замонавий жиҳоз асосида таҳлиллар амалга оширилмоқда. Қолаверса, кимёвий элементлар сони ҳам ошиб, 70 га яқин элементга таҳлил жараё-ни ўтказилмоқда. Бу эса ер қаъридаги ноёб элементлар ва камёб металллар бўйича аниқ, сифатли маълумотлар олишга хизмат қилади.

Замонавий геология-қидирув ишларини рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичига рақамлаштириш ва ав-томатлаштириш жорий этилмоқда. Жамият ҳам ушбу йўналишда илгор тажрибаларни ўз фаолиятига татбиқ этмоқда. Аввало, рақамли технологиялар иш жараёнини реал вақт режимида назорат қилиш имконини берапти. Янги экспедицияларнинг бургилаш ишлари, ишчи кучдан фойдаланиш, техник ресурслар сарфи, ҳатто йўқотишлар ёки ортиқча харажатлар онлайн тарзда кўриломоқда. Бу жараёнлар фото ва видеолар билан ҳуж-жатлаштирилиб, тезкор қарор қабул қилиш имконини яратмоқда.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар халқаро майдонда ҳам рақобатбардошликни таъминлайди. Чунки бугунги кунда тендер ва йирик халқаро шартномаларда иш жараёна-рини рақамли кузатиш, ҳисоботларни элек-трон шаклда тақдим этиш, аниқ ва онлайн маълумотлар бериш энг муҳим талаблардан бирига айланди. Шу тариқа “Ўзбек геология қидирув” АЖ нафақат техник модернизация, балки рақамлаштириш жараёнини орқали ҳам фаолиятини янги босқичга олиб чиқмоқ-да. Бу эса соҳа самарадорлигини ошириш би-лан бирга инсон меҳнатини енгиллаштириш, хавфсизлигини таъминлаш ва геология-қиди-рув ишларини халқаро стандартларга мос ра-вишда амалга оширишга йўл очмоқда.

Ўзбекистон геология соҳасини ривожлан-тириш концепциясида 2030 йилгача қатор устувор вазифалар белгиланган бўлиб, унда

маълумотлар JORC ва CRIRSCO халқаро ко-декслари талабларига жавоб беради. Бу эса халқаро инвесторлар учун ҳисоботлар тайёр-лаш, геологик изланишларда сифат кафола-тини ошириш ҳамда қидирув ва қазиб олиш жараёналарини халқаро амалиётга мувофиқ ташкил этиш имкониятини беради.

Бугун акциядорлик жамияти томонидан замонавий бургилаш ускуналари орқали оли-наётган керн намуналари 100 фойзга етиб, таҳлиллар аниқлигини оширмоқда. Шунинг-дек, жамият таркибидидаги лабораторияларда намуналарни сифатли таҳлил қилиш ва унинг таркибидидаги элементларни аниқ кўрсатиб бериш учун 150 дан зиёд замонавий жиҳоз асосида таҳлиллар амалга оширилмоқда. Қолаверса, кимёвий элементлар сони ҳам ошиб, 70 га яқин элементга таҳлил жараё-ни ўтказилмоқда. Бу эса ер қаъридаги ноёб элементлар ва камёб металллар бўйича аниқ, сифатли маълумотлар олишга хизмат қилади.

Замонавий геология-қидирув ишларини рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичига рақамлаштириш ва ав-томатлаштириш жорий этилмоқда. Жамият ҳам ушбу йўналишда илгор тажрибаларни ўз фаолиятига татбиқ этмоқда. Аввало, рақамли технологиялар иш жараёнини реал вақт режимида назорат қилиш имконини берапти. Янги экспедицияларнинг бургилаш ишлари, ишчи кучдан фойдаланиш, техник ресурслар сарфи, ҳатто йўқотишлар ёки ортиқча харажатлар онлайн тарзда кўриломоқда. Бу жараёнлар фото ва видеолар билан ҳуж-жатлаштирилиб, тезкор қарор қабул қилиш имконини яратмоқда.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар халқаро майдонда ҳам рақобатбардошликни таъминлайди. Чунки бугунги кунда тендер ва йирик халқаро шартномаларда иш жараёна-рини рақамли кузатиш, ҳисоботларни элек-трон шаклда тақдим этиш, аниқ ва онлайн маълумотлар бериш энг муҳим талаблардан бирига айланди. Шу тариқа “Ўзбек геология қидирув” АЖ нафақат техник модернизация, балки рақамлаштириш жараёнини орқали ҳам фаолиятини янги босқичга олиб чиқмоқ-да. Бу эса соҳа самарадорлигини ошириш би-лан бирга инсон меҳнатини енгиллаштириш, хавфсизлигини таъминлаш ва геология-қиди-рув ишларини халқаро стандартларга мос ра-вишда амалга оширишга йўл очмоқда.

Ўзбекистон геология соҳасини ривожлан-тириш концепциясида 2030 йилгача қатор устувор вазифалар белгиланган бўлиб, унда

республика ҳудудини комплекс геологик ўр-ганиш ва минерал ресурслар потенциалини баҳолаш, янги минерал хомашё базаларини шакллантириш ва мавжуд конлар захира-рини ошириш, камёб ва стратегик аҳамиятга эга элементлар (литий, ниобий, тантал, ко-бальт, скандий, рений ва бошқалар) бўйича изланишларни кенгайтириш, аниқ ва ишонч-ли прогноз карталарини тайёрлаш орқали истиқболли майдонларни белгилаб олиш, хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликини кучайтириш масалалари кўзда тутилган.

2030 йилга қадар кам ўрганилган ҳудуд-ларда янги истиқболли майдонларни аниқ-лаш ва геология-қидирув ишларини олиб бориш натижасида республикадаги фойдали қазилмалар захиралари сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда.

Хусусан, 3000 погонметрдан ортиқ бур-ғилаш ишлари, 3200 погонметр ер ости тоғ-кон ишлари, 1670 куб метр тоғ-кон усти ишлари бажарилиши режалаштирилган. На-тижада олтин захираси 969 тонна, мис 676 тонна, қумуш 510 тонна, қўроғошн ва рух захиралари эса икки бараварга яқин ошиши прогноз қилинмоқда.

Бугун “Ўзбек геология қидирув” АЖ хо-рижий давлатларда ҳам халқаро тендерларда иштирок этиб, рақобатбардош хизмат кўрса-тиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса мил-лий геология соҳасини ташқи бозорга олиб чиқиш ва мамлакат иқтисодиётини юксалти-ришда муҳим омил бўлади.

Акциядорлик жамияти ёш бўлишига қа-рамай, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бир неча хорижий ҳамкорлик лойи-ҳаларини бошлаб юборди. Жумладан, Афго-нистон ҳамда Мўғулистон билан музокара-лар олиб бориб, ҳар иккала томонга ҳам манфаат-ли бўлган йўналишлар бўйича фаолият бош-ланди. Кейинги режалар хорижий ҳамкорлик лойиҳаларини сонини янада кўпайтириш ва фао-лият турини кенгайтиришдан иборат.

Ўтган даврда АЖ иқтисодий фаолияти-нинг барқарорлиги ва самарадорлигини оши-риш борасида қатор трансформация жараён-лари амалга оширилди. Хусусан, 2023 йилда жамият таркибидидаги дала экспедициялари бирлаштирилиб, негизда марказий экспе-дициялар ташкил этилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2024 йил 24 майдаги “Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳу-зуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳа-сини назорат қилиш инспекцияси фаолияти-ни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбек геология қидирув” АЖ унга “Регионалгеология” ДМни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилди. Бу борадаги ислохотлар ўз натижасини бериб, 2024 йил якунлари бўйича ўртача ишлаб чиқариш са-марадорлиги 2021 йилдагига нисбатан 75 фойз, ходимлар сони 26 фойз, ўртача ойлик иш ҳақи 85 фойз ўсди.

Акциядорлик жамияти молиявий имко-ниятларини янада кенгайтириш ҳамда ҳам-корлар ишончини мустаҳкамлаш, ташки-лотда ислохотларни янада жадаллаштириш учун халқаро кўрсаткичларни ҳам аяшшлаб бормоқда. Хусусан, 2024 йил якунлари бў-йича халқаро “S&P Global Ratings” агентлиги томонидан “В” — “Барқарор” рейтинг дара-жаси берилди. Шунингдек, ISO 9001:2015 — Сифат менежменти сертификати ва Корруп-цияга қарши курашиш менежменти тизими бўйича — ISO 37001:2016 халқаро стандарт-лари олинди.

Геология-қидирув ишлари самарадор-лигида соҳада фаолият юритаётган ходим-ларнинг ўрни жуда муҳим. Бу борада қатор университетлар билан ҳамкорликда тизим-ли ишлар қилинмоқда. Хусусан, геология факультетида таҳсил олаётган талабалар амалиётни ташкилот таркибидидаги экспе-дицияларда ўтамоқда. Бу ўқув жараёнларида олинган билимларни амалиётда қўлаш ва ўз устида ишлашга имконият яратди. Шунингдек, жамиятда университетлардан саралаб олинган фаол ёшлар гуруҳи таш-кил этилган. Улар ўқишдан кейин меҳнат фаолиятига жалб этилмоқда. Талабалар иш ўрганиш билан бирга йирик лойиҳаларга бйриштирилган. Бу, албатта, ёшлар иқтидорини ошириш ва келажақда етуқ кадр сифатида жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишига замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбек геология қидирув” АЖ юртимиз заминиди мавжуд та-бiiй бойликларни ўзлаштириш янги бос-қичга олиб чиқиш ва соҳадаги инвестиция муҳитини янада аяшшлаш, минерал хомашё базасини ривожлантиришга қаратилган исло-хотларни амалга оширишда бор имкониятини ишга солмоқда.

Сурхондарё вилояти балиқчилик билан шугулланиш учун қулай табиий иқлим ва етарли сув захирасига эга. Маълумотларга кўра, 2009 йили вилоятдаги 77 та хўжалиқда 591 тоннадан ортиқ балиқ етиштирилган. 2022 йилда эса бу кўрсаткич 35,3 минг тоннага етказилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 255 та балиқчилик субъектидан 3588,7 тонна балиқ олинган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,7 фойз кўп демек. Йил охиригача бу кўрсаткичини 7150 тоннага етказиш режа қилинган.

Халқимизни сифатли озиқ-овқат маҳсу-лотлари билан таъминлаш мақсадида ба-лиқчилик тармоғини ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини тақомиллаштириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида” ги қарори Сурхон-дарёда соҳа равнақи учун туб ўзгаришларга йўл очди. Натижада балиқчиликни янада ривожлантиришга доир масалалар изчил ҳал этилиб, амалий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу эса со-ҳанинг йил сайин тақомиллашиб боришини таъминламоқда. Масалан, Жарқўрғон туман-идаги “Помир агрокластер” МЧЖ қиймати 10 миллион долларлик лойиҳани йўлга қўй-моқда. Унга кўра, “Оқтепа” сув омборида уч турдаги балиқ етиштирилади. Шунингдек, мижозлар шу ерининг ўзиди балиқ овлаши, сотиб олиб, истеъмол қилиши учун зарур ша-ронит яратилади. Бунинг учун сув омборининг 300 гектар майдони қамраб олинади ва йил-ига 25 минг тонна балиқ етиштирилади.

“Тўпланг” ва “Уққизил” сув омборлари-да бошланётган янги лойиҳалар ҳам ишга

тушгач, вилоят балиқчиликда етакчи ўринлар-ни эгаллай бошлайди. Умуман, бугун сурхон-дарёлик балиқ етиштирувчилар ички ва ташқи бозордан муносиб ўрин эгаллашга интилмоқда.

Ангорнинг табиий иқлим шароити ҳам балиқчиликни ривожлантириш учун қулай. Шу боис, туманда кўплаб янги ва истиқбо-ли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни пайтда ҳудудда 21 та балиқчилик фермер хўжалиғи фаолият юритапти. Ҳатто балиқ-чилик туман иқтисодиётининг муҳим драйве-рига айланиб бормоқда. Бунинг учун соҳага хориж тажрибаси кенг жорий этилиб, янги технологиялардан унумли фойдаланилмоқда. Айни пайтда тумандаги 81 гектар ерда балиқ-чилик қўли ташкил этилган. Шундан 15 гек-тари Фарход Раҳмонов раҳбарлик қилаётган хўжалиқ ҳиссасига тўғри келади.

— Хўжалигимизнинг 6 гектар ерида сунь-ий сув ҳавзаси ташкил этилган, — дейди тадбиркор. — Мана шу сув ҳавзаларига ҳар йили 15 минг донага яқин балиқ чавоғи таш-ланади. Шу тарзда ҳар йили қарийб 30 тонна балиқ етиштирамиз.



Балиқчилик

ҲАМ ФОЙДАЛИ, ДАРОМАДЛИ ТАРМОҚ

Сўнгги йилларда Ангорда учта истик-болли лойиҳа амалга оширилди. Натижада балиқчилик туман иқтисодиётининг барқа-рорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўш-моқда.

Туманимизда 2024 йилда 422 тон-на балиқ етиштирилди, — дейди Ангор тумани ветеринария ва чорвачиликни ри-вожлантириш бўлими мутахассиси Тошпў-лат Шафатов. — Шу орқали бюджетта 1 миллиард 543 миллион сўм тушум тушди. Жорий йилнинг 9 ойида эса истеъмол учун 343 тонна балиқ етказиб берилди. Нати-жада ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112 фойз ўсиш қўзғатилди.

Ангор тумани Баҳор маҳалласида балиқ-чиликни ташкил этиш лойиҳаси доирасида 12 та иш ўрни очилди. Мазкур хўжалиқда мўтадил шароитда увулдириқ етиштирила-ди. Ундан олинган чавоқ махсус рацион би-лан озиқлантирилиб, ҳавзаларга ташланади. Эътиборлиси, ушбу жараёнлар замонавий технологиялар асосида амалга оширилади.

Ҳа, етти хазинанинг бири бўлган балиқчи-ликни янада ривожлантириш учун вилоятда сув ресурслари ҳам, ишончи ва илмий асос-ланган лойиҳалар ҳам етарли. Улардан янада самарали фойдаланиш истигадиги ташаббус-кор юртдошларимиз сафи кун сайин кўпай-моқда. Буларнинг барчаси юртимизда соҳа учун яратилган шароит ва ихлохотларнинг амалий ифодасидир.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хар қандай жамият иқболи, юксалишлар тамал тоши илм-фан ва таълимга асосланади. Таълим инсон капиталини шакллантиришдаги асосий восита бўлиб, миллий иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий ҳаётнинг барқарор ўсиши учун муҳим пойдевор. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, замон талабларига мос ҳолда ислоҳ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёш авлоднинг жаҳон андозаларига мувофиқ билим олиши, замонавий касб-хунарларга эга бўлиши учун барча имконият ва ресурслар сафарбар этилмоқда. Айниқса, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган эзгу ғоя асосида халқ таълими тизимини ривожлантириш кенг қамровли, умумхалқ ҳаракатига айланди.

Эътироф

Жамият юксалиши илмга боғлиқ

Мана шундай юксак мақсадларга эришишда, албатта, таълим соҳасининг асосий таянчи бўлган устоз ва мураббийларнинг ўрни бекиёс. Шу жиҳатдан уларга чуқур эҳтиром ва эътирофни амалий жиҳатдан ифода этиш мақсадида давлатимиз томонидан қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда Президентимиз фармонида кўра, Оқдарё туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси Лобар Бойқобилова “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан тақдирланди.

Ўқитувчиликни ҳаётининг мазмуни деб билган Лобар Бойқобилова 31 йилдан буюн ушбу мактабда фаолият юритиб келмоқда. Йиллар давомида у юзлаб ўқувчиларга нафақат билим, балки ҳаёт сабоқларини ҳам бермоқда. Бугун таълим соҳасида яратилаётган замонавий шaroитлар, фан лабораториялари, интерактив дарслар муаллимнинг иш услубини янада самарали қилипти.

— Ўқитувчининг қадди юксалган давр келди, — дейди Лобар опа. — Айниқса, педагогларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор янги ташаббуслар, жумладан, янги йилдан бошлаб 15 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга олий тоифали ўқитувчилар учун ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи давлат томонидан қопланиши, келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма берилиши ва бошқа имтиёزلардан бошимиз кўкка етди. Ҳа, ўқитувчи ва мураббийларнинг аҳолига ҳавас қилиб бўлмайдиган даврларини ҳам кўрдик. Қишлоқ ҳўжалигида мактаб ўқитувчилари энг арзон, аникроғи, текин ишчи кучи бўлиб хизмат қилди. Айниқса, пахта мавсумида ойнаб синфимизга кирмас эдик. Ўқитувчининг салоҳияти билими, касбий маҳоратига қараб эмас, балки у топишарётган пахта саломлиги, кунлик нормани бажаришига қараб баҳоланарди. Бугун эса вазият тубдан ўзгармоқда. Энди муаллимларнинг асосий вазифаси билим бериш, ўз устида тинимсиз ишлаш ва касбий салоҳиятини оширишдан иборат.

Педагог бугунги узлуксиз ўқитиш тизими, хусусан, мактабгача таълимнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, жумладан, бундай деди:

— Бир пайтлар богчалар етишмасди. Уч фарзандимни етаклаб, уларни бир кунни онамникида, бир кунни қариндошларимникида қолдириб, мактабга шошилдим. Кўнглимда доим хавотир бўларди. Бугун эса ҳар бир маҳаллада икки-учтадан болалар богчаси бор. Шу аснода аёл ўқитувчилар учун шароитлар анча яхшиланди, кўнгли хотиржам, бемаълум ишлайди. Шогирдларим ана шундай қўлай шароитда ишлаб, халқроқ танловларда иштирок этиб, ютуқларга эришмоқда. Бунинг барчаси юртимизда таълим тизими тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда халқ таълими тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар нафақат ўқитиш сифатига, балки муаллимнинг жамиятдаги нуфузига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, мактаб ўқитувчиларининг маъқени ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишлар қилинмоқда. Жумладан, оилак маошларнинг сезиларли даражада оширилиши, уй-жой, автотранспорт, манший техника каби зарур эҳтиёжлар учун имтиёзли кредитлар

тақдим этилаётгани натижасида педагогларнинг турмуши нафақат яхшиланди, балки ўқитувчиликни янада жозибдор касбга айлантирди.

Президентимиз фармонида биноан тақдирланганлар орасида ушбу тумандаги 47-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Бахтиёр Ҳасанов ҳам бор. У фидокорона меҳнати ва таълим соҳасидаги 36 йиллик самарали фаолияти учун “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

— Юртимизда устоз ва мураббийларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Ўқитувчи мақоми йил сайин юксалмоқда, — дейди Бахтиёр Ҳасанов. — Бир пайтлар маошимиз камлигидан таътилда устачилик қилиб, рўзгор тебратишга мажбур эдик. Ўша кунлардан ҳулоса чиқариб, бугунга назар ташласангиз, таълим соҳасида юз берган улкан ўзгаришларни яққол кўрасиз. Ҳозир ўқитувчилар муносиб маош олиш борабаринда ўз устида мунтазам ишлаш, малака ошириш, илгор педагогик тажрибаларни ўзлаштириш учун кенг имкониятга эга. Шогирдларимдан бир нечтаси минг доллардан ортиқ маош олиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Уларга қараб, хурсанд бўламан, фахрланаман ва албатта, ҳавас қиламан. Бу каби муваффақиятлар, аввало, таълим соҳасидаги ислохотлар, ёшларга яратилаётган кенг

имкониятлар самарасидир. Ҳақиқатан, бугун ўқитувчи жамият келажакини шакллантирувчи асосий шахс сифатида эътироф этилмоқда. Бу эътироф ва мукофот биз, устозларга юксак ишонч ва ҳурматнинг ёрқин ифодасидир.

Бугун Бахтиёр Ҳасанов замонавий ўқув хоналарида электрон ва мультимедияли воситалар ёрдамида интерактив ва қизиқарли таълим берапти. У бир пайтлар зах ва нимқоронги синфхоналарда машаққат билан дарс ўтган чоғларини бундай эслайди:

— Таълим бериш мен учун нафақат касб, балки катта масъулиятдир. Айниқса, ҳозир барча шароит муҳайё қилинган даврда ёшларга таълим бериш жуда ҳам завқли. Бир пайтлар информатика синфхонасида бир донга ҳам компьютер бўлмаган. Шунинг учун дарсларимиз фақат назарий бўлар эди. Ҳозир мактабимизда 60 дан ортиқ энг сўнгги русумдаги компьютер, ноутбук ва бошқа зарур техник воситалар мавжуд. Бу имкониятлар ўқувчиларнинг билимини юқори даражага олиб чиқди. Шундай шароитда ўқитувчи сифатидаги вазифам бу имкониятлардан фойдаланиб, ўқувчиларга энг самарали, мазмунли ва қизиқарли дарсларни ташкил этишдир. Доим ўқувчиларимнинг билимини мустаҳкамлаш ва уларни янги маълумотлар билан таъминлашга ҳаракат қиламан. Зеро, келажак мутахассисларини тарбиялаш катта масъулият ва шарафдир.

Албатта, жамият тараққиёти ва юрт равнақида таълимнинг ўрни жуда муҳим. Бу соҳада тинимсиз меҳнат қилаётган устозлар, жонкуяр юртдошларимиз фаолияти ҳар қандай мақтов ва нуфузли мукофотларга лойиқ.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
журналист

Хушхабар

Яқинда Times Higher Education (THE) халқаро рейтинг агентлиги томонидан “Interdisciplinary Science Rankings 2026” — фанлараро илмий тадқиқотлар бўйича дунё университетлари рейтингини эълон қилинди. 94 мамлакатдан 1267 олий таълим муассасаси иштирок этган рейтингдан Ўзбекистоннинг 34 та олий ўқув юрти ҳам ўрин олган. Уларнинг 6 таси энг яхши 500 талик рўйхатга киритилди. Қолганлари эса “reporter” — номзод мақомида қайд этилди.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДА НАВБАТДАГИ НАТИЖА



Мазкур натижа мамлакатимиз олий таълим тизимида фанлараро илмий изланишлар, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва халқаро академик ҳамкорликни кенгайтириш борасида изчил тараққиёт кузатилаётганини кўрсатади.

— Бу тизимдаги изчил ислохотлар самарасидир, — дейди олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари Сардор Ражабов. — Мамлакатимизда олий таълим муассасалари сонининг 204 тага етгани, ўқув дастурларининг глобал стандартларга мувофиқлаштирилгани, халқаро аккредитациялар улуши ортгани, академик мобиллик фаолиятини — барчаси миллий таълим тизимининг очиқ, рақобатбардор ва глобал микёсда интеграциялашувга қодир эканини кўрсатмоқда.

Шунингдек, Буюк Британия, АКШ, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Туркия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари билан қўшма университетлар ташкил этгани, икки дипломли дастурларни кенг жорий

қилгани жаҳон таълим маконида илмий-инновацион экотизимнинг муҳим иштирокчиси сифатида мамлакатимиз маъқени мустаҳкамламоқда.

Олий таълим муассасаларимиз глобал рейтингларда тобора кўпроқ иштирок этмоқда. Бу халқаро стандартларга интеграциялашувимиз, академик мукамалликка содиқлигимиз ва дунёга очилишимизни намойиш этади. Бугунга қадар 20 дан ортиқ университетдаги 90 га яқин академик дастур халқаро аккредитациядан ўтган. Бундан ташқари, сўнгги QS World University Rankings маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг 7 та университети ҳозир дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари рўйхатига киритилган. Улардан 3 таси энг яхши 1000 та университет қаторидан жой олган.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тараққиёт сари

Ҳозир фарзандини нодавлат богча ва мактабларга жойлаётган ота-оналар кўпайиб бораётгани хусусий секторга ишонч ортаётганини кўрсатапти. Бироқ “Таълим бизнесга айланипти”, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, хусусий таълим-тарбия муассасаларини тadbиркорлар очди. Улар ўз богча-мактабининг энг замонавий таълим даргоҳлари қаторида бўлиши учун маблағни аямайди. Энг салоҳиятли ўқитувчилар жамоасини шакллантиради. Илгор, замонавий таълим технологияларини жорий қилади. Катта миқдорда инвестиция киритилганидан сўнг, албатта, манфаатдорлиқ кутилади.

Мамлакатимиз таълим соҳасида нодавлат сектор улушини оширишга алоҳида эътибор берилляпти. 2017 йилда 30 та хусусий мактаб фаолият юритган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич бир неча баробар ортган. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 2025 йилга мўлжалланган амалий тadbирлар режасида умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни кенг жалб қилиш вазифаси белгиланган. Масъулларга жорий йилда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларини 700 тага етказиш чораларини кўриш вазифаси топишрилган.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотига кўра, мутасаддилар томонидан йил давомида 14 та ҳудудда таълим соҳасида фаолият юритувчи тadbиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкил этилди. Уларга нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларини ташкил этиш юзасидан керакли таълик ва тавсиялар берилди. Шунингдек, тadbиркорларга нодавлат умумий ўрта таълим хизматларини кўрсатиш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомида белгиланган лицензия талаблари ва шартлари мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириллар берилляпти.

Бундан ташқари, нодавлат таълим ташкилотларига берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2030 йил 1 январга

қадар узайтирилгани ҳам яна бир имконият экани таъкидланмоқда. Нима учун нодавлат таълим муассасаларини кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз деган саволга жавобан хусусий мактабларнинг ортинги таълим тизимига, энг



НОДАВЛАТ СЕКТОР УЛУШИ КЎПАЙСА РАҚОБАТ муҳити яратилади, СИФАТ ОРТАДИ



аввало, сифат, қамров ва инновация олиб киришини айтиш керак. Таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланади. Бу эса ўқув дастурлари тез янгиланиши, замонавий методикалар ва халқаро стандартлар жорий этилишига сабаб бўлади. Шунингдек, хусусий сектор ўз маблағи ҳисобидан инфратузилма яратди. Бу давлат бюджетига тушадиган босимни камайтириб, маблағни давлат мактабларини модернизация қилиш ҳамда ижтимоий ҳимояга йўналтириш имконини беради. Таълим қамровини ошириб, аҳоли сони ўсишига мутаносиб равишда талаб ва таълик мувозанатини таъминлайди.

Ҳозир таълим фаолиятига киришадиган ишбилармонлар давлатнинг қўллови, имконият ва имтиёзлар кескин ортгани учун ҳам бу ишни дадил бошлаш олапти. Чунки 2017 йилга қадар бундай фаолият бошлаш учун 9-10 та ҳужжат тақдим этиш керак эди. Айни

пайтда рўйхат анча қисқарган ва ариза топишириш жараёни автоматлаштирилган. Шу билан бирга, бугун тadbиркорнинг ҳужжатларида ҳеч қандай камчилик аниқланмаса, янги тизим орқали 15 иш кунига инсон омили аралашувисиз автоматик тарзда лицензия чиқариб берилади. Буларнинг барчаси тadbиркорлар фаолиятини рағбатлантириш, таълим соҳасида давлат ва хусусий сектор иштироки баравар таъминлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар 132 та хусусий мактабга лицензия расмийлаштирилиб, айни пайтда уларнинг умумий сони 705 тага етди. Бу мактабларда ўқитётганлар эса 150 мингдан ошди.

Хусусий мактабларда ўқишга қизиқиш орттишдаги яна бир муҳим жиҳат, уларнинг халқаро баҳо бериш тизимини (масалан, IB) ни кенг қўллашда. Бу ўқувчиларга хориждаги олий ўқув юртиларига киришда афзаллик бериши билан аҳамиятли. IB (International Baccalaureate) жаҳон стандартларига



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

ассосланган таълим дастури бўлиб, кўплаб мамлакатларда тан олинади ва қатор хориж университетлари томонидан юқори баҳоланади. Ушбу дастур ўқувчиларнинг таъдил қилиш, муаммоларни мустақил еча олиш, мулоқот қилиш, танқидий фикрлаш каби кўникмаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. IB ва бошқа халқаро дипломларнинг халқаро даражада тан олинishi ўзбекистонлик биттирувчиларнинг етакчи университетларга ўқишга кириш имкониятини кенгайтирмоқда.

Нодавлат мактаблар фаолияти давлат секторига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, улар педагоглар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириб, давлат мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва рағбатлантириш тизими ривожланишига катта ҳисса қўшади. Малака ва рақобат ўсиши натижасида эса давлат сектори ҳам сифатли кадрлар билан бойиб боради.

Яна бир жиҳат шундаки, илгор инфратузилма ва рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиёти давлат мактабларининг ҳам техник жиҳатдан модернизация қилинишига туртки бўляпти. Бундан ташқари, нодавлат мактаблардаги самарали бошқарув, ота-оналар билан ишлаш маданияти ва ҳисобдорлик амалиёти давлат мактабларида ҳам қўлана бошлади. Умуман олганда, хусусий сектор тажрибаси давлат таълим тизими янгиланишини тезлаштирувчи ва сифати ошишига хизмат қилувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун энг долзарб масалалардан бўлиб турган инклюзив таълимни ривожлантириш борасида ҳам нодавлат секторнинг ўрни катта. 2025 йил 1 январдан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим хизматлари фаолият тури бўйича лицензия беришда объектда шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқларсиз муҳит яратилгани бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳулосасини олиш талаб қилиниши белгиланган бўлиб, яъни талабдорлар белгиланган шартларни тўлиқ бажариши орқали лицензия олиши мумкин. Шу тариқа ҳозир хусусий мактаблардаги методик ва инновацион тажриба келажакда инклюзив таълимни ривожлантиришда қўланиши учун потенциал имкониятлар яратди. Бу, ўз навбатида, давлат таълим соҳасида ҳам кенг қамровли ва сифатли таълимни таъминлашга хизмат қилади.

Нодавлат мактаблар Ўзбекистон таълим тизимида сифат, рақобат, инновация танлов имкониятларини оширувчи асосий драйверлардан бирига айланиши мумкинлиги деган савол туғилади. Албатта, нодавлат мактаблар яқин келажакда таълимда драйвер сифатида шаклланади. Уларнинг замонавий методикаси, юқори малакали педагоглари ва замонавий инфратузилмаси давлат мактабларини ҳам ўқув жараёнини янгиллаш, педагог кадрларни ривожлантириш ва ота-оналар талани ҳисобга олган ҳолда хизмат сифатини оширишга ундайди.

Шу билан бирга, хусусий мактабларда тақдим этилаётган халқаро стандартлар ва ихтисослашган йўналишлар бугун тизимдаги таълим имкониятларини кенгайтиради ва инновацион ўзгаришларни жадаллаштиради.

Умуман олганда, нодавлат секторнинг фаоллиги давлат таълим тизими учун янгиланиш, рақобат ва сифатни кучайтиришнинг муҳим механизмига айланиши мумкин.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон жадидлик ҳаракатининг тан олинган раҳнамоси, янги мактаб ғоясининг асосчиси, биринчи ўзбек драматурги, қалами ўткир публицист, миллий матбуот ривожига улкан ҳисса қўшган журналист ҳамда ношир сифатида Ватанимиз тарихида алоҳида ўрин тутувчи улуг сиймодир. Шунинг учун ҳам Президентимиз деярли ҳар бир нутқида мутафаккир жадидларимиз, айниқса, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Ватан ва миллат озодлиги ҳамда тараққийси билан боғлиқ қимматли фикрларини ёдга олади, буюк маърифатпарварга муносиб ҳурмат бажо этади. Давлатимиз раҳбарининг “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги тарихий қарори бүгун янги Ўзбекистонда буюк маърифатпарвар фаолиятига давлат сийбати даражасида эътибор кўрсатилаётганига ёрқин далилдир.

Мутахассислар бир ҳақиқатни ақдил эътироф этади: ўтган аср аввалидаги Туркистон жадидлик ҳаракатини Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятдан айро тасаввур этиш маҳол. Наинки мутахассислар, улуг миллатпарварнинг замондошлари ҳам айнаи шу фикрда бўлгани маълум. “Сийбни, ижтимоий фаолияти ва билимнинг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг келадигани йўқ деб ўйлайман”. Машҳур арбоб Файзулла Хўжаевнинг ушбу сўзларидан заррача муволаға йўқ. Зеро, Маҳмудхўжа Бехбудий сийбатунос ва публицист, адиб ва педагог; ношир ва журналист сифатида кенг қаровли фаолият юритди. Ҳар бир ишида бош мезон Ватан ва миллат тараққийсига астойдил хизмат қилиш, ривожланган давлатлар ва халқлар даражасида юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш бўлди.

Жадидликнинг тамал тоши дея эътироф этилган маориф ислоҳи Туркистон учун ҳаёт-мамот масаласи бўлгани аён. Негакни илму маърифатда мутараққий мамлакатлар ёшларидан қилишмайдиган, оламнинг аҳволидан хабардор, янгиқа фикрлайдиган авлодни тарбияламай туриб, миллатни таназзул гирдобидан тараққиёт соҳилига, инкироз зулматидан тамаддун ёруғлигига олиб чиқиш имконсиз эди. Янги мактаб ғояси назарийчиси ва амалиётчиси Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятида таълим ислоҳоти масаласи концептуал аҳамиятга эга бўлгани сабаби шунда.

Устози Исмоилбек Гаспирли Туркистон мактабларида ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш таклифи билан генерал-губернатор барон Вревскига мурожаат этган 1892 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий навқирон ўн етти ёшда эди. Демак, ёш Маҳмудхўжа қалбида “усули савтия” мактаблари ғояси Исмоилбек Гаспирли таъсирида шаклланди. Кейинчалик савхалларни давомиди таълим соҳасидаги дунё таърибаси билан танишиш баробарида, Истанбулда “усули савтия мактабларининг Русияда бонийи муассиси” бўлган Гаспирли билан бевосита учрашган, бу ғоя унинг ҳаётий аъмолига айланди. Бехбудий бу ғояни Ватан мустақиллиги, миллат тараққийси мақсадларига йўналтирди. Бу жиҳатдан у ўша даврда туркий дунёнинг энг машҳур сиймоларидан бирига айлангани сир эмас. Олмон жадидшуноси Ингеборг Балдауф улуг маърифатпарварнинг бу борадаги хизматини “Маҳмудхўжа фаолиятининг ғоят ўзига хошлигидан қатъи назар, у Кримда Гаспирли, Қозон татарларининг Қажом Носирийси, Усмонли туркларининг Аҳмад Мидхати сингари Марказий Осиёнинг халқ муаллими эди”, дея баҳолайди.



Нурбой ЖАББОРОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор

Бехбудийнинг таълим ислоҳотида доир фаолияти икки йўналишда кечди: назарий ва амалий. Улуг мутафаккирнинг янги мактаб ғояси негизда уч концептуал масала турлади: **биринчиси**, авлоднинг саводи ўз она тилида чиқмоғи зарурлиги; **иккинчиси**, таълим жараёнини замонга мослаштириш, яъни “усули ҳижо” ўрнига “усули савтия”ни жорий этиш, тахсил усулини янгилаш; **учинчиси**, мактабда эътиқодимиз асоси бўлган диний илмлар билан бир қаторда замон тақозоси ҳисобланган дунёвий фанларни ўқитиш ва бу орқали миллатнинг мутараққий халқлар даражасига юксалмоғига хизмат қиладиган салоҳиятли авлодни тарбиялаш.

Келажак учун муҳим масала

Бехбудий Туркистон ёшларининг саводи ўз она тилида чиқмоғи зарурлигини миллий таълимнинг бош шарти деб билди. Шу боис, ўш муҳаррир бўлган “Ойна” журналида тил масаласига асосий эътиборини қаратди. “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласида “Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни(нг) тахриру таржималари форсчадир. Бу қонда, яъни дарс китоби — арабий, муаллим — туркий, тахриру таржимани(нг) форсийлиги хийла ажибдур”, дея она тилига эътиборсизликдан таажжубланда “Тил масаласи” мақоласида улуг маърифатпарвар тил нозик масала экани, шунга кўра унинг софилгини сақлашга чуқур мантиқ билан ёндашув зарурлиги ҳақида ёзади. Туркий халқларини ўзaro ҳамкорликка чақиради. Арабий ва форсийни имкон қадар қамроқ қўллаб, тараққий этган туркий шевадардаги илмий ва фанга оид китобларни англашга сазай ва ғайрат этмоқ кераклигини таъкидлайди. Миллатимизнинг руслар томонидан “сарт” деб аталishiда жадидий эътироз билдирди. “Сарт сўзи мажҳулдир”, “Сарт сўзи маълум бўлмади” сингари мақолаларида эътирозига рад этиб бўлмайдиган далиллар келтирди.

1907 йилдаёқ (Туркистон мухторияти эълон қилинишидан ўн йил олдин!) “Туркистон маданият мухторияти лойиҳаси”ни тузиб, кўриб чиқиш учун Русия давлат думасига тақдим этган Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод этилиши, умумий ўрта ва олий мактабларга муслмонлардан комиссия тайинланиши, кирилл ҳарфини миллий мактабларга жорий этмаслик сингари талабларни қўяди. Бу эса Бехбудийнинг она тили, миллий имло масалаларига нақадар катта эътибор берганини кўрсатади.

Маҳмудхўжа Бехбудий таълим усулини замонга мослаштириш, яъни “усули ҳижо” ўрнига “усули савтия”ни жорий этиш, шунингдек, усули тахсил — ўқитиш методикаси масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бунда у бир вақтнинг ўзида ҳам назарийчиси, ҳам амалиётчиси сифатида намоён бўлади. Унинг фикрича, муаллим, биринчидан — олим, иккинчидан — ғайратли,

учинчидан — усули тахсилдан хабардор бўлмоғи зарур. Жумладан, мутафаккир “Ислоҳи тахсил” мақоласида мана бундай ёзади: “Агар муаллимнинг ўзи ҳозирги аксар мактабдор ва мударрислардек кам ҳафсада ённки кам илм бўлса, ённки илми бўла турб, усули тахсилдан хабарсиз бўлса, ани(нг) шоғирдлари нодон қолур”.

Аллома таълимни замон талабларига кўра ислоҳ этмоқ учун ўзига хос дастур бўларли фикрларни билдиради. Унинг қарашча, замона уламиси, аввало, турк билан туркча, форс билан форсча, араб билан арабча эркин ва мунтазам сўзлаша олиши, бу уч тилдаги матнларни юқори савияда тахрир этиш иқтидорига эга бўлиши; калом — ақиди илмига оид китобларни тизимли ўқитиб, муборак динимизни махзабсизлар, мулҳид ва даҳрийлар, миссонерлар таъна ва эътирозларидан ҳимоя қила оладиган олимларни етиштирмоғи зарур.

Дунёвий илмлар — давр эҳтиёжи

Мактабда диний илмлар билан бир қаторда миллатнинг замонавий тараққиёти учун ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланган дунёвий илмларни ўқитиш муаммоси ҳам Бехбудийнинг диққати марказида турди. Таълим ислоҳи амалиётчиси сифатида Бехбудий 1903 йили Саидхўжа Сиддикий ашаган Ҳалвойи ҳамда Абдуқодир Шакурый истиқомат қилган Ражабабин қишлоқларида усули савтия мактабларини очди.


Унинг фикрича, ёш авлодга тиббиёт, астрономия, математика, география, иқтисод, сийбат, тарих, нафис санъат ва ҳикмат сингари илмларни талаб даражасида ўқитмоқ зарур. “Тарбиятхона (пансион)ларни очмоқ учун ва ҳукумат дорилфунунларига бола тайёр қилмоқ



учун “нашри маориф” ённки “жамияти хайрия” ва ённки “тарбияти атфол” жамияти ва ё ўзга исм ила, хулоса, жамиятлар керакдур. Токи бу жамият(лар) халқдин оқча жамлаб, миллат болаларини ўқитиш ва миллатини(нг) онядиси учун керак бўлатургон қози, яъни сўзья, закунчи, яъни ҳуқуқшунос, инженер, яъни муҳандис, муаллим, яъни замона мактабдори, миллатни(нг) ҳомийси ва ҳодими, яъни давлат думасига депутат, миллий санатхоналаримизни ислоҳ ва ихё эътуви, яъни техник, тижоратхона ва банкаларда бизга ёрдам берувчи, яъни тижорат илмини ўқиган комиссарант, шаҳар дамухоналарига ва минбазь Туркистонда очилатургон земства идораларинда бизни(нг) тарафдан кириб ва сайланиб, биз учун, дини мубийини ислом учун, зуафо учун, фуқаро учун ишлайтургон одамларни етүшдурмақ керакдур”.

Ўрта ва олий мактабда дунёвий фанларни ўқитмай туриб, миллий маърифатини юксалтириш, миллатни тараққийга бошлаш имконсиз эканини теран англагани боис, Бехбудий “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намуна жуғрофия”, “Мухтасари тарихи ислом”, “Мадахали жуғрофияи умрорий”, “Мухтасар жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-атфол” каби бир қанча дарслиklar яратди. Бу орқали у жадид мактабларида диний ва дунёвий илмларни ҳил ҳил даражада ўқитишни йўлга қўймоқни истади. Буюк мутафаккир дарслиklари наинки

илмий-назарий, шунинг баробарида, амалий аҳамиятга ҳам эга эди. “Китобат ул-атфол” дарслиги Туркистон болаларига иш юритиш қоидаларини ўргатишга йўналтирилгани билан қимматлидир. Дарсликда иш юритиш соҳасининг барча йўналишида хат ёзиш усуллари, одоби ва маданияти, тиниш белгиларини қўллаш қоидаларини ўргатиш назарда тутилган. Жумладан, шахсий — ота-онага, фарзанд-



га, дўстга ва қариндошга хат ёзиш қоидалари берилган. Идораларга хат ёзиш тартиби баён этилган. Бундан ташқари, фуқароликни тасдиқловчи паспорт бериш тартиби, тасдиқнома, шаҳодатнома, ишончнома ва арiza ёзиш қоидалари ифодаланган. Энг аҳамиятли жиҳати, ҳар бир хат турига намуналар келтирилган. Бехбу-



дий Туркистон болаларининг ўз ҳақини талаб қилиши, расмий идоравий муносабатларини ўрганиши заруратини ҳисобга олиб, ана шундай дарслиklar яратди ва жадид мактаблари таълим тизимига жорий этди.

“Китобат ул-атфол” ўқувчиларда Туркистоннинг шаръий ва миллий маҳкамаларида амалдаги ҳужжатлар ва васикаларини юрита олиш малакасини ҳосил қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Дарсликда бундай расмий ҳужжатларни юритиш тартиби, нималарга эътибор қаратиш зарурлиги 18 банд асосида кўрсатиб берилди. Жумладан, муаллифининг алоҳида таъкидлашча, расмий ҳужжатларда тилга масъулият билан қараш зарур: “Туркий ёзилур экан ва иборотини(нг) туркийси бўла туриб, ани(нг) ўрнига русий ва ажнабий исмини ёзмоқни аҳли дониш ман қиладурлар”.

Бундан ташқари, ҳар қайси хат қай соҳага тегишли эканига кўра ҳам ўзига хос. Мактуб (мақола) ёзуви ёки расмий ҳужжатларни юритувчилар бунди диққат марказида тутмоғи керак: “Аҳли фан, уламо ва удабоға махсус ёзилатургон хатлар, маҳкама ва дорулқозо мактублари, илмий ва сийсий мақоалар яъни ва адабий суратда ёзилса керак...”. Яна: “Бир нимарса ва ё одамни ниҳоят маҳд ва таъриф ва ё ёмонламоқ ва муволаға этмоқдан ҳазар қилиб, барча ҳолда ўрта қисмга қалам ишлатмақ керак”.

Бехбудий бундай хатларни ёзиш этикасини, яъни ахлоқий меъёрларини ҳам белгилаб берди: “Хатни камсўз, сермано ёзмоқ керакдур... Мактубга ҳақорат, таъна, ҳазил, фикс ва гуноҳга тааллуқ сўзлар асло ёзилмасун”.

Бу фикрлар, биринчидан, ўша давр ёшларини расмий ҳужжатларни юритиш қоидалари билан таништирса, иккинчидан, уларда ёзма нутқни ўстиришга хизмат қилиши жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Профессор Улугбек Долимов ушбу ўқув дарслиги ўлка миқёсида таълим-тарбия муассасалари — эски ва янги мактаблар учун катта аҳамият касб этганини таъкидлайди.

Кутубхона — маърифат ўчоғи

Бехбудий Самарқанднинг эски шаҳар қисмидаги ҳовлисида кутубхона, қиратхона ва мактаб очди. Бу кутубхона 1908 йил 11 сентябрда Самарқанд ҳокимининг расмий рухсати билан шаҳарнинг Янги Раства қисмида расман иш бошлаган. Кутубхона фаолиятини маърифатпарварнинг ҳамкасблари Ҳожи Муин, Васлий Самарқандий ва Абдуқодир Шакурый қўллаб-қувватлаган. Кутубхонада, айниқса, турли мамлакатларда нашр этилган диний ва дунёвий китоблар, расми журнал ва газеталар, энциклопедиялар, луғатлар, ҳарита ва атласлар билан танишиш мумкин эди. Кейинчалик Бехбудий кутубхонаси номи билан машҳур бўлган қиратхона эрталаб соат 9:00 дан 17:00 гача ва 18:00 дан 00:00 гача икки сменада ишлаб, ҳар куни 60 дан 110 нафаргача одамга маданий хизмат кўрсатган. Бехбудийнинг “Самарқанд кутубхонаси исломий” мақоласида келтирилишча, ўша даврда кутубхона фондида 600 та китоб ва рисола, ундан ҳам кўпроқ газета ва журналлар бўлган. Аввалига 2000, кейин 225 жилдага эга кутубхона 14 соат ишлаган. Очиқланидан етти ой ўтган, у 125 аъзога эга бўлиб, жами 2000 га яқин китобхонанинг эҳтиёжини таъминлади. Дастлабки икки йил кутубхона фаолияти учун яхши ўтди. Аммо 1910 йилда унинг иши сусая бошлади. Шундан сўн Бехбудий кутубхонани ўз боғига кўчирди ва уни “Бехбудий кутубхонаси” деб номлади.

Улуг маърифатпарварнинг Туркистонда жадид мактаблари очилиши, дарслиklar яратиш ва халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш мавзусидаги мақолалари 1901 йилдан бошлаб “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Хурият”, “Шуҳрат”, “Савдогар”, “Осиё”, “Хурият”, “Турон”, “Садои Туркистон”, “Улуг Туркистон” газеталарида нашр этилди. “Озодлик”, “Меҳнаткашлар овози”, “Тирик сўз”, “Таржимон”, “Мажлис”, “Вақт”, “Тоза ҳаёт”, “Самарқанд”, “Ойна” каби газета ва журналларда босилган. У асос солган “Ойна” журнали Туркистон аҳолисини замонавий илм-фан ютуқлари билан таништиришга хизмат қилди. Миллий таълим тизимини модернизация қилишга эътибор қаратди. Янги мактаблар учун дарслиklar яратиш, замонавий таълим ютуқларини эгалланган педагоглар тайёрлаш ва миллий ўзликини англаш устувор вазифа этиб белгиланди. Туркистон харитаси тайёрланиб нашр этилди. “Ойна” журнали маърифат ва маданият ривожига катта ҳисса қўшди. Унда миллат ва унинг ҳуқуқлари, тарихи, тили ва адабиёти, дунё аҳоли ҳақида қизиқарли мақолалар, баҳс-мунозаралар ўрин олган. Бехбудий мақолаларида миллат, ватан, жамият, ахлоқ ҳақидаги теран ва таъсирли фикрлари ифодаланган. Айрим манбаларда унинг мақолалари сони 200 та, баъзиларида эса 500 та экани айтилади.

Бехбудийнинг бу борадаги фаолияти 1918 йили Самарқандда мусулмон ишчи-деҳқонлар кенгаши тузилгандан кейин, маориф бўйича комиссар этиб тайинлангандан сўнг ҳам давом этди. Янги мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш курсларини очгани ҳам бунинг исботидир. Аммо ўша даврдаги шўро мафкурачилари маориф ҳайъатида мусулмон таълими масаласини ўз манфаатларига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган. Бехбудий истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Осипов кўзғолонидан кейин Самарқандда ноҳақ қамоққа олишлар бошланди. Тарбиявий ишлар катта босим остида эди. Одамларнинг туйғулари, дини камситилди. Бунга ечим топиш учун Маҳмудхўжа Бехбудий 1919 йил февралда Тошкентга борди. Лекин бу сафардан ҳеч қандай натижа чиқмаган.

Янги замон дарслиklари яратиш йўлида

Маҳмудхўжа Бехбудий Ватан ва миллат тараққийси учун янги авлодни етиштирмоқ заруратини биринчилардан бўлиб англади. Бунинг учун усули жадид мактабларини замон талаблари даражасидаги дарслиklar билан таъминлаш муҳим эди. Улуг маърифатпарвар яратган дарслиklar Туркистон ёшларига наинки билим бериш, уларнинг сийсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, она юрт истиқболи учун хизмат қиладиган салоҳиятни тарбиялашга ҳисса қўиши зарур эди.

“Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” дарслигида Бехбудий ўша даврдаги бошқарув усуллари ҳақида қимматли маълумотларни беради. Зеро, таълимдан кўзланган бош мақсад миллат ёшларининг сийсий онгини юксалтириш, авлод дунёқарашини ўстириш эканини у теран англаган.

Бехбудий оламда кечаётган воқеалар моҳиятидан хабардор, сийсий вазиятни тўғри баҳолай биладиган етук арбоб эди. Унинг “Хайрул умуми авсатухо” мақоласидаги фикрлар ҳам бунди тасдиқлайди. “Ҳозир Русия давлати(нинг) тариқи ҳуқмонлиги ноқис эканлигига ҳар бир хабарлик киши икдор этар. — деб ёзади Бехбудий. — Давлат қонунларини(нг) ислоҳ ва таждидага ҳар ким мойилдур”.

Бу фикрлар дарсликда ўқитилгани назарда тутилса, Бехбудий ёш авлоднинг сийсий, ҳуқуқий маърифатини оширишга нечоғлиқ катта эътибор қаратгани аён бўлади.

Назариядан амалиётга

Буюк миллатпарвар 1913 йили “Нашириёти Бехбудия”ни очди. Нашириётда ўша йили Фитратнинг “Баёноти сайёҳи хинди” асарининг русча таржимаси чоп этилган. Бехбудий тузган Туркистон харитаси нашр қилинган. Маърифатпарвар ушбу санадан “Самарқанд” газетасини таъсис этди. Бироқ газета фаолияти 45-сонидан кейин тўқтилди. Ўша йилнинг 20 августидан “Ойна” журналини чоп этира бошлади. Бехбудий мазкур матбуот нашрларида ҳам Туркистонда маориф ислоҳи масаласига кенг ўрин ажратди. “Ойна”нинг дастлабки сонларида босилган “Аъмолимиз ённки муродимиз” мақоласида, жумладан, мана бундай фикрларни ўқиймиз: “Тўй ва маърақа оқчасидин болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу оқчадин талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорилфунун ва доруссанотларига юборилуб, диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етишдурмоққа сазай қилинсун. Бизни(нг) Туркистонда муаллим оздурки, тўю маъракага сарф қилинадургон оқча ила Кафказ, Крим, Урунбург ва Қозонга усули таълим ўрганимоқ учун бола юбормоқ керакдур...”.

Бундан ташқари, умумийнинг тахсил жараёнига дунёнинг илгор ўқитиш усулларини жорий этмоқ талаб этиларди. Бехбудийнинг Туркистон маорифига Ҳижоз, Қоҳира тахсил усулларини жорий этиш, иқтисод, сийбат, нафис санъатлар ва ҳикмат илмларини эгаллаш учун ёшларни ҳукумат очган замонавий таълим муассасаларида бериш, билимлари тақомили учун уларни Петербургдаги дорилфунун ва бошқа олий мактабларга юбориш таклифини бергани замирида ана шу ҳақиқат ётади. Академик Наим Каримовнинг “Бехбудий хайрия жамиятларини ташкил этиб, истеъдодли ёшларни Қоҳира, Петербург сингари Шарқ ва Гارب мамлакатларидаги илмий марказларга юбориш, уларнинг нафақат туркий ва форсийни, балки араб ва рус тилларини ҳам эгаллашларига давъат билан чиқди”, деган фикрлари ҳам бунди тасдиқлайди.

Мутафаккирнинг қарашча, чинакам тараққийга эришмоқ учун ёш авлод ўз даври илмларини ўрганиш билан кифойланмаслиги керак. Эртанги кун учун ҳам қайғурмоқ, келар замон илмини-да пухта эгалламоқ зарур. Улуг маърифатпарварнинг: “Болаларинизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Ҳудои таоло халқ этди, сизларнинг замонингиздан бошқа, яъни келар замон учун”, деган сўзлари бунинг исботидир. Қўрнаники, улуг маърифатпарвар миллат фарзандларининг замондан бир қадам олдинда юришини истаган, бутун фаолиятини ана шу буюк мақсад йўлига сафарбар этган.

Туркистон жадидлик ҳаракати қарвонбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудий 1919 йилнинг 25 мартида қатл этилди. Таъкидлаш керак: Бехбудийни жисман маҳд этган қаттол тузум бугун Ер юзиди мавжуд эмас. Лекин улуг маърифатпарварнинг эъгу номи, она Ватанини ва миллатни тараққий эттиришга қаратилган ҳаётбахш ғоялари ҳануз яшамоқда. Бугун ҳам янги Ўзбекистон равнақи-га муносиб хизмат қилмоқда.

GAZETADEGI
MATERIALLARNI
LOTIN EZUVIDA
ASOSLANGAN O'ZBEK
ALIFBOSIDA O'QISH
UCHUN MAZKUR
QA-KODNI SKANER
QILING.